

ДОЛИМОВ
ШОКИР ЗОКИРОВИЧ

ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИДА
ҚУЁНЧИЛИК

БОҚИШ, ПАРВАРИШЛАШ ВА
КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР



Тошкент 2008

МУНДАРИЖА

1. Қуённинг биологик хусусиятлари	4
2. Қуёнхона ва катаklar	5
2.1. Қуёнхона	6
2. 2. Катаklar ва ўралган майдончалар	8
3. Қуённи харид қилиш ва у билан муомала қоидалари	11
4. Қуённинг асосий зотлари	13
5. Момиқ етиштиришга ихтисослашган қуён	21
6. Боқиш	23
6.1. Қуённи овқатлантириш учун мўлжалланган мосламалар	27
6.2. Қишга ем тайёрлаш усуллари	28
6.3. Насл берувчи қуёнларни боқиш	29
6.4. Бўрдоқига боқиш	30
7. Қўпайтириш	31
7.1. Қуённинг болалаши	32
7.2. Урғочи қуённинг болалашини тиғизлаш ва нимтиғизлаш	33
7.3. Қуённи қишда болалатиш	34
8. Қуённи бичиш	35
9. Сўйиш ва терига дастлабки ишлов бериш	36
10. Янги зотлар чиқариш, ҳисобини юритиш ва режалаштириш	38
11. Катаklarни тозалаш ва санитар ишлов бериш	40
11. 1. Дезинфекция	43
11.2. Кемирувчи ва ҳашаротларга қарши кураш	44
12. Қуён чалинадиган касалликлар. Олдини олиш ва даволаш	47

Қуённи нафақат қишлоқ хўжалиги ва фермаларда балки шаҳар томорқа хўжалигида ҳам етиштириши мумкин.

Ушбу жониворнинг гўшти пархезбон бўлиб, мўйнаси ва момигидан тайёрланган ашёларга бўлган талаб доимо юқори. Шу боис қуённи шаҳар томорқа хўжаликларида боқиш ва кўпайтириш истиқболли ва унумли машғулотлардан бирига айланиб бормоқда.

Мазкур рисола қуёнчилик билан шуғулланишга қарор қилган ҳаваскорларнинг кенг доираси ва чорвадор касбини эгаллашга бел боғлаган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, муаллифнинг ушбу соҳада тўплаган шахсий тажрибаси, тегишли китоблар ва Интернет тармогидан олган маълумотларга асосан яратилди.

Рисолада қуённинг биологик хусусиятлари, зоти, қуёнхона ва қуён катаги ҳақида маълумотлар, қуённи боқиш, парваришлаш, кўпайтириш ва янги зотларини етиштириш бўйича тавсиялар баён этилган.

Шунингдек, эътиборингизга, қуёнлар чалиниши мумкин бўлган касалликлар, ушбу касалликларнинг олдини олиш, даволаш ва касаллик қўзғатувчи зараркунандаларга қарши кураш усуллари ҳақида аниқ маълумотлар ҳавола этилган.

1. ҚУЁННИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қуён ўсимликхўр кемирувчилар оиласига мансуб жонивордир. Жинсий ва жисмоний жиҳатдан 3-4 ойга тўлганида етилади. Урғочи қуённинг ҳомиладорлик даври 29-31 кун давом этади.

Туксиз туғилган қуёнча танаси момик билан ҳаётининг биринчи ҳафтаси давомида буркана бошлайди, 9-, 10- кунга келиб кўзи очилади, 15-20 кундан кейин инидан чиқиб, онаси истеъмол қилаётган емдан таътий бошлайди. Бироқ, токи ажратиб қўйилганига қадар онасини эмишда давом этаверади. 18-20 кун ўтгач сут тишларининг алмашилиш жараёни бошланиб, ушбу жараён биринчи ой охирида якунига етади. Аксарият она қуёнлар серсут бўлиб, кам безовта қилинса, болалари узоқ вақт ўз инларида қолаверади.

Янги болалаган урғочи 2-3 кундан сўнг жинсий майил билдириб, такрор уруғланиши мумкин. Қуёнбоқарлар қуённинг ушбу хусусиятидан, жониворлар бошини кўпайтириш мақсадида унумли фойдаланадилар.

Қуён бутун ҳаёти давомида тулаб боради. Тулаш жараёни:

илк бор – қуёнча бир ойга тўлганида;

иккинчи маротаба – 3,5-4,5 ойга тўлганида;

учинчи бор – 7-7,5 ойга тўлганида бўлиб ўтади.

Бундан ташқари мавсумий, яъни баҳор ва куз ойларида ҳам тулаш жараёни бўлиб ўтади.

Қуённи бўрдоқига қўйиш ва сўйиш мобайнида тулаш жараёнини ҳисобга олмоқ лозим. Сўйиш фурсати етганида қуённинг мавсумий ёки ёши бўйича тулаш жараёнлари якунига етган бўлиши даркор.

Тулаш мобайнида қуён момиғи осон ажралади. Момик олиш учун мўлжалланган қуён зотини етиштирувчи қуёнбоқарлар жониворнинг ушбу хусусиятини билиши керак. Бундай зот момиклари ҳар 2-2,5 ойда юлиб олинади.

Яхши боқилган тўрт ойли қуён вазни 3-3,5 кг га етади. Яъни, туғилган фурсатига нисбатан 60 баробар оғир бўлади.

Қуённинг ҳид билиш қобилияти кўриш қобилиятига нисбатан сезиларли ривожланган. Она қуён болалари орасига бегона қуёнчалар қўшиб қўйилганида, уларнинг рангларида қатъий назар ҳидига кўра ажратиб олиб, нобуд қилиши билан ушбу хусусият ўз тасдиғини топади. Қуён емни ҳам ҳидига кўра ажратиб қўяди. Емнинг янги турига эҳтиёткорона муносабат билдириб, ҳидига кўникиши узоқ кечади. Жониворни емнинг янги турига ўргатиш амали кишидан сабр-тоқат талаб қилади.

Қуён табиатан ўз уясини ер қазиб тайёрлайди. Шу боис ҳам катакка қамалган ҳомиладор қуён, болалашдан олдин, катакнинг энг пастқам ва қоронғи жойини қидиради. Модомики шундай экан, катак туғруқхонасининг эшиги яхлит, яъни тешик-деразасиз бўлиши, полига ўрнатиладиган панжара эса ёруғ хонадагига нисбатан пастроқ қилиб ётқизилиши ёки умуман олиб қўйилиши лозим.

Она қуённинг сутлилиги янги туғилган болаларининг ҳолатига кўра белгиланади. Серсут урғочининг қуёнчалари уяда тинч ётиб, таначалари думалок, терилари ажинсиз силлиқ ва ялтироқ бўлади. Бундай қуёнчалар тез ўсади.

Қуённинг сутлилигини бошқача усул қўллаб, яъни болалаган урғочини белига ётқизиб, сут безларини бармоқларингиз билан эзиб кўриб ҳам аниқлашингиз мумкин. Урғочи серсут бўлса, елинидаги сут йирик томчи

кўринишида сизиб чиқади.

Сутлилик даражасига парвариш шароити, ем сифати, қуённинг ёши, зоти, нечанчи бор болалаганлиги, йил фасли кабилар таъсир кўрсатади.

Ёз фаслида кўк ва ширадор ем-хашак миқдори кўп бўлиши боис она қуён серсут бўлади.

Она қуённинг максимал серсутлик даври 3-4 маротаба болалаганидан сўнг келади. Унинг ҳаддан ташқари семириб кетиши ва кам ҳаракатчан бўлиши сутлилик даражасининг пасайиб кетишига олиб келади. Семириб кетган урғочи уруғланиш ва болалаш қобилятини йўқотади. Бунинг олдини олиш учун эса жониворга бериладиган юқори оксилли (дон, комбикорм каби) емлар миқдорини камайтириб, кўк ва ширадор емлар миқдорини ошириш, кўпроқ ҳаракатланиш имконини яратиш лозим.

Қуён, айрим жониворлар каби, тунда ва эрта тонгда чиқарган нажасини истеъмол қилади. Бу ҳолат фанда **копрофагия** деб аталади. Кундуз кунги нажас – қаттиқ, қуруқ ва соққасимон, тунги нажас эса – юмшоқ ва нам бўлиб, соққалар шакли бузилган кичик тўплалар кўринишига эга бўлади. Тунги нажас таркибидаги протеин кундуз кунги нажасга нисбатан 3,5 баробар ортиқ бўлади, тўқималар миқдори эса 2 баробар кам бўлиб В гуруҳига мансуб витамин ва минералларга бой бўлади. Юмшоқ (тунги) нажас қуёнхона ичида деярли кўринмайди, негаки қуён уни тўғридан-тўғри ўз орқа ҳожат йўлиданок истеъмол қилиб юборади. Бунинг учун у олд оёқларини икки ёнга ташлаб эгилади ва тумшукчасини орқа оёқлари орасидаги ҳожат тешигига етказиши.

Ёш қуёнчаларда копрофагия, одатда, 23-24 кун ўтгач, она сутидан ташқари бошқа емлар билан ҳам озиқлана бошлаганидан сўнг намоён бўлади.

Ўз нажасини истеъмол қилишдан маҳрум бўлиб ўсаётган қуёнчаларнинг улғайиши, нажаси билан озиқланадиган қуёнчаларга нисбатан секин кечади. Ўз нажасини истеъмол қилишдан маҳрум бўлган урғочи қуённинг ҳомиладорлигида ҳамда ҳомиласининг ривожланишида оғишлар рўй бериши кузатилган.

Ўзининг тунги нажасини истеъмол қилиши қуён учун соғлом физиологик ҳолат бўлиб, ошқозонидаги емнинг яхши ҳазм бўлиши, организмига қўшимча оксил ва витаминлар сингишини таъминлайди. Лекин, қуён нажасида касаллик тарқатувчи микроблар ҳам бўлиши мумкинлигини ёдда тутмоқ лозим, шу боис қуённинг касалликка чалинишини олдини олиш мақсадида қуёнхона ва катакларнинг санитар ҳолати намунали тутилиши лозим.

2. ҚУЁНХОНА ВА КАТАКЛАР


Қуён боқишга киришишдан олдин арзон материаллардан, бироқ гигиена талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар тарафлама қулай қуёнхона ва катаклар тайёрлаш лозим.

Хусусий хўжаликда қуён боқишнинг усуллари кўп. Кенг саройда эркин боқиш усули бугунги кунга қадар қўлланилмоқда.


Лекин бу усул ўзига хос камчиликларга эга, хусусан: турли ёшдаги урғочи ва эркак қуёнларнинг аралаш яшашлари сабабли насл олиш жараёнини умуман назорат қилиб бўлмайди; урғочи қуёнлар ўз уяларини ер қазиб тайёрлашлари боис қуёнчаларга яқинлашиш имкони чекланади. Хулоса қилиб айтганда бундай усул билан қуён боқиш фойдасиз бўлиб, сарфланадиган харажат қопланмайди.

Қуённи алоҳида катакка қамаб ёки муайян майдонга ўраб ёхуд гуруҳларга ажратиб боқиш усуллари кўпроқ самара беради.

1- расм. Қуёнхона вариантлари



Ёпиқ қуёнхона



Очиқ қуёнхона

2.1. Қуёнхона

Катакларнинг ёпилмаган, очиқ жойга ўрнатилиши муайян ўнғайсизликлар мисол учун, ем ва сув тарқатиш амалларини механизациялаштирилмасдан тарзда, об-ҳавонинг ноқулай шароитларида бажариш каби ноқулайликлар туғдиради. Қуёнларнинг қуёнхонада боқилиши мақсадга мувофиқдир.

Қуёнхона (1- расм) ёғоч, металл ва темир-бетондан тайёрланган сарой кўринишига эга бўлиши лозим. Олд томони ичкарига қаратилиб, икки қават ўрнатилган катаклар қуёнхонанинг ён деворлари сифатида хизмат қилади. Энсиз деворлар эса – икки қанотли эшиклар кўринишига эга бўлади. Икки нишабли сарой томи, катаклар устидан бироз кўтарилган, деворларига ойналар ўрнатилиб фонус кўринишида қурилади. Қуёнхонадаги қуёнлар шамол, ёмғир ва қордан панада бўладилар. Ем солинган идишларни ҳаракатлантиришга мўлжалланган осма йўлаклар жихозлаб, ем тарқатишни қисман механизациялаштириш мумкин.

Шунингдек қуёнхонани тўсин, устун, тахта ва ғиштдан ҳам қуриш мумкин (2- расм). Бундай қуёнхона жониворлар учун хавфли елвизакни тўсади, сичқон, каламуш каби кемирувчи газандалар ва турли йиртқичлар киришини олдини олади. Унинг поли зич, тозалаш қулай бўлиши учун эшик томон нишаб қилиб ётқизилади.

Қуёнхона етарлича ёруғ бўлиши, дераза, шамол алмаштириш қувурлари ва туйнуклар воситасида шамоллатиб турилиши керак. Ёруғлик ва тоза ҳавонинг етишмаслиги қуённинг юнг қопламаси сифатсиз бўлиб қолишига олиб келади.

Бинонинг томи бир нишабли бўлгани маъқул. Бундай том қишга тайёрланадиган пичан захирасини қуриш учун қўшимча майдон сифатида хизмат қилади. Майсани томга чиқариш учун соябонли пиллапоя айвонига тақаб қурилган зинадан фойдаланилади. Шу ерда, яъни айвон устида, қуриган пичанни бостириб қўйиш учун мўлжалланган чордоққа кириладиган эшик ўрнатилади. Томда қопқокли туйнук бўлса, пичанни чордоққа киритиш яна ҳам қулай бўлади.


Қуёнхонадан чиқадиган гўнгни солиш учун мўлжалланган сирти қопланган,

қопқоқли яшиқ ташқи томонга, сарой эшиги яқинига ўрнатилади. Саройнинг яшиқ тепасидаги деворида эса эшикли туйнук очилади.

Сарой ичига асбоб-ускуна ва ем сақланадиган бурчак жиҳозлаш зарур. Пичан ва супуткилар сақланадиган чордоққа чиқиш учун ташқи туйнукдан ташқари, зина воситасида чиқиладиган ички туйнук ҳам очилади.

Қуёнхонанинг жанубий девори томонида ёш қуёнчалар учун панжара билан ўралган ёзги яйлов тайёрлаш мумкин.

Сарой эшиклари икки қават хусусан: биринчи қавати яхлит тахта эшик, иккинчиси эса металл панжара кўринишида тайёрланади. Йилнинг иссиқ кунларида саройнинг фақат панжарали эшиги ёпилади.




2- расм. Томорқа хўжалиги учун мўлжалланган қуёнхонанинг кўриниши: 1- яхлит эшик; 2- панжара эшик; 3- деразалар; 4- шамоллатиш панжараси; 5- пичан сақлаш учун мўлжалланган чордоқ эшиги; 6- айвон; 7- айвоннинг тутқичли панжараси; 8- зина; 9- пичан йиғиладиган чордоқ пичан ташлаш учун мўлжалланган люк; 10- люк қопқоғи; 11- ўралган яйловчанинг тўр панжараси; 12- ўралган яйловчага чиқиш эшиги; 13- гўнг йиғиладиган қути; 14- қути қопқоғи; 15- гўнгни қутига чиқариб ташлаш учун мўлжалланган туйнук; 16- шамоллатиш қувурлари

2.2. Катаклар ва ўралган майдончалар

Куённи, унга 1-2 ҳафтага етадиган ем солиб боқиш учун катакларни такомиллаштириш мумкин. Бунинг учун ем солиш ва сув қуйиб қўйиш учун мўлжалланган тегишли мосламалар зарур бўлади.

Ёш куёнлар учун куёнхонанинг ички деворлари бўйлаб жиҳозланган ўралган майдончалар ўртасида она (ёки ҳомиладор) куёнлар учун мўлжалланган катаклар ўрнатилади (3- расм). Куёнхона майдонидан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу катак ва майдончалар икки, ҳатто уч қават қилиб тикланади. Уларни турли материаллардан тайёрланиш мумкин. Бунда, юқори қаватдаги катак ва майдончалардан қуйи қаватлардагиларга нажас тушмаслиги ва сийдик томмаслигига эришмоқ лозим.



3- расм. Ўлчами 5х3 м келадиган куёнхона ичидаги ўралган майдонча ва катакларнинг жойлашиш чизмаси:

а – ажратилган ёш куён учун ўралган майдончалар; **б** – она куён ва тўдани тўлатишга мўлжалланган куёнчалар учун катаклар; **в** – йўлаклар; **г** – эшиклар; **д** – очиқ яйлов; **е** – гўнгни тўплаш ва пешоб тушиши учун мўлжалланган ҳажмлар; **ж** – пичан йиғиш учун жойнинг люкани ўрнатиш, ем ва асбоб-ускуна сақлаш учун жой.

Юқорида зикр этилган, яъни куёнга 1-2 ҳафтага етадиган ем солиб боқиладиган катаклар қандай талабларга жавоб бериши керак?

Катак туғруқхонаси 40х70х60 см, ёруғ бўлими эса – 60х70х60 см ўлчамларда тайёрланади. Ёруғ бўлимда пичан ва майса солиш учун охур, тегана ва автосувдон ўрнатилади. Тахта ёки металл тўрдан тайёрланган пол-панжара ёруғ бўлимда яхлит полдан 10-15 см, туғруқхонада эса – 5-10 см га кўтарилиб ётқизилади.

Яхлит пол ва пол-панжара орасида бир ойлик гўнг йиғилиши мумкин. Ушбу вақт давомида катак ичи тоза туради. Бироқ, кунлар исиганида панжара остидаги гўнгни тез-тез тозалаб турмоқ афзалдир. Негаки чириб бораётган тезак ўзидан куён учун зарарли газ ажратиб, қуртлаб кетади.

Катак туғруқхонасининг поли устидаги тахтали (симли) пол-панжарани ёруғ бўлимга нисбатан 5-10 см пастроқ қилиб ётқизиш ёки урғочи болалашидан олдин уни олиб қўйиш ёхуд тубини юқорига қаратиб, полга зич ётқизиш керак. Шундан сўнг урғочи ўз болаларига уя ясаши учун қалин тўшама солинади (ёки қўшимча қути киритилади).

Ем бериладиган бўлимнинг ортки деворига, бири комбикорм ва яна бири ширадор емлар, овқат чиқиндилари ҳамда суяк аралашмалар учун мўлжалланган иккита тегана маҳкамланади. Иккала тегананинг эни 20 см, узунлиги охурдан тўсиккача келадиган умумий қопқоқ билан ёпилади. Она қуён вақти-вақти билан ушбу қопқоқ устига чиқиб, улғайиб бораётган болаларидан қочиб дам олади.

Катта қуёни боқиш учун мўлжалланган икки бўлимга эга катакларнинг ўлчамлари стандарт бўлади. Катакнинг умумий узунлиги 120 см, эни 70 см, баландлиги 60 см. Ёш қуёнлар учун ҳам иккига бўлиб ўралган майдончалар тайёрлангани маъқул. Шундай қилинса, қуёнларни ушбу бўлимларнинг бирига қамаб, иккинчисини тозалаш осон кечади.

Онасидан ажратиб олинган ёш қуёнлар гуруҳи учун ўралган майдонча поли металл тўрдан тайёрланган бўлса ҳар бир қуёнга 0,15 дан 0,20 м² гача, яхлит тахтали бўлса 0,20 дан 0,30 м² гача майдон тўғри келиши лозимлигини ҳисобга олиш керак. Агар катаклар майдонларини стандарт ўлчамларда қолдириш мумкин бўлса, теганалар 5-10 баробар катта тайёрланади.

Дағал ем учун мўлжалланган охурлар катак ташқарисига ўрнатилади. Катакдаги овқатланиш бўлимининг ортки девори ва ўртадаги тўсикка дон, комбикорм, ширадор ем, овқат чиқиндилари учун мўлжалланган сифимдор теганалар ва автосувдон ўрнатилади (5 расм). Ушбу мосламалар кўп жой эгалланмай, катак деворларига полдан муайян баландликка кўтарилиб маҳкамланади.

Ҳомиладор ва эмизадиган урғочилар учун мўлжалланган катакларга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Бундай катаклар икки бўлимдан, яъни тешик-дерасизиз яхлит эшикка эга туғруқхона ва панжарали эшикка эга овқатланиш бўлимидан ташкил топиши лозим. Иккала хонани бўлиб турувчи деворда 18x18 см келадиган туйнук очиб қўйилади.


Қуёнхона деворларидан бири бўйлаб ёш қуёни улғайтириш учун мўлжалланган 2-3 қават катаклар ўрнатиш ёки майдончалар ўраш мумкин. Узунлиги 5 м келадиган саройда 6 тагача (яъни ҳар бир қаватида иккитадан) майдончалар тайёрлаш мумкин. Битта майдончанинг ўлчами: узунлиги 160 см, эни 80 см баландлиги 50 см келади. Битта ўралган майдонча эгаллайдиган жой 12800см². Меъёрларга кўра катакдаги ҳар бир қуён учун 0,15-0,20 м² майдон бўлиши лозимлиги назарда тутилса, ҳар бир ўралган майдончада 6 тадан 9 тагача қуён боқиш мумкин. Қурилишни катаклар учун эни 70 см, ўралган майдончалар учун эса 80-90 см келадиган девордан эшик томон бироз оғдирилган, бир неча қават токчалардан иборат очик жавон тиклашдан бошламоқ афзалдир. Пастки токча қуёнхона еридан 40-50 см га кўтарилиб мустаҳкам таянчга қотирилади. Унинг устига баландлиги 75 см келадиган иккинчи токча, сўнгра худди шундай бўйли учинчи токча тахталарга суяб маҳкамланади. Учунчи қаватнинг томи сифатида қуёнхона томи хизмат қилади. Токчалар қорақоғоз, тунука, линолеум ёки шунга ўхшаш бошқа нам тортмайдиган материал билан қопланади. Ҳар бир токча четига сийдик оқиб кетиши ва нажас думалаб тушиши учун мўлжалланган тунука нов маҳкамланади. Шундан сўнг токчалар катак ва ўралган майдонларга тақсимланади. Тўрдан тайёрланган эшиклар пўлат бурчаклардан пайвандлаб тайёрланган ёки ёғоч кесакиларга маҳкамланади. Катакларнинг деворлари ва эшикларига тегана ва автосувдонлар бириктирилади. Катак полидан 10-15 см баландликда ечиб олинган, тахта пол-панжара ёки металл тўр ётқизилади.

Тахта пол-панжара ораликлари 1,5-2 см бўлиши керак. Металл тўрнинг катаклари 2x2 см га тенг қилиб тайёрланиши ёки 1,6x4,8 см катакли махсус тўр бўлиши лозим. Горизонтал ҳолатда ётқизилган пол-панжара қуённи ўз нажаси ва сийдиғи билан ифлосланишига тўсқинлик қилади. Пол-панжара остига тўпланган тезак махсус қирғич воситасида металл ёки ёғоч яшик ичига олиб ташланади.


Насл берувчи эркак қуёнларга ҳам худди шу сингари катаклар тайёрланади.

Ҳомиладор ва она қуёнлар учун катаклар қуёнхона марказида, яъни ҳарорат нисбатан илиқроқ бўлган жойда, ўралган икки қатор майдончалар орасида ўрнатилади.

Қуёнхона ичини тозалашга тўсқинлик қилмаслиги учун марказий катаклар қуёнхона шифтига перпендикуляр қилиб мустаҳкам қоқилган тахталарга маҳкамланади. Натижада катаклар гўё осиб қўйилгандек кўринади. Бундай қуёнхонада йил давомида 100 дан ортиқ қуён етиштириш мумкин.



4- расм. Катак чизмаси



5- расм. 1-2 ҳафтага етадиган емлар солиб қўйиш учун мўлжалланган мосламалар ўрнатилган катакнинг умумий кўриниши: 1- майса ва дағал емлар учун мўлжалланган охур-тегана бункери; 2- охур панжараси; 3- қопқоқ билан ёпилган ва бир вақтнинг ўзида она қуённинг дам олиши учун мўлжалланган илдиз мевалар ва дастурхон чиқиндиларини солиш учун мўлжалланган тегана; 4- комбикорм солиш учун тегана; 5- катакни ем бериш учун мўлжалланган хона ва туғруқхонага бўлувчи девор; 6- она қуён сўқмоғи; 7- полга ётқизиладиган энсиз тахтадан тайёрланган панжара; 8- пешоб ва нажас юриши учун нов; 9- нажас йиғич; 10- она қуён йўлини тўсиш учун мўлжалланган тўсқич

3. КУЁН ХАРИД ҚИЛИШ ВА У БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШ

Куённи малакали мутахассислар ишлайдиган ва қимматли тавсиялар олиш мумкин бўлган куёнбоқарлар жамияти ёки куёнчиликка ихтисослашган хўжаликлардан харид қилган маъқулдир.

Бирор-бир куёнбоқар хонадонидан 2-3 ойга тўлган ёш куён харид қилингани ҳам яхши. Шундай қилинса куён емининг таркиби, режими ва боқилган шароитини кескин ўзгартириб юборилишига йўл қўйилмайди. Насл олинадиган, ёши урғочи куёндан 2-3 ой катта, жуссаси йирикроқ эркак куён ҳам айти шу зотдан, лекин урғочига қариндош бўлмаган, яна яхшиси бошқа хўжаликдан харид қилиниши лозим.

Куён зотдор-у, фақат яхши емланмаган деб ишонтиришга ҳарчанд уринсалар ҳам ланж ва озғин куённи харид қилманг. **Ёдингизда бўлсин! Соғлом куён озғин бўлмайди!**

Тумшукчаси ҳўл (нам), қулоғининг чаноклари тоза бўлмаган, думининг таги ифлосланган куён харид қилинмайди. Бўйнидан ушлаб кўтарилган соғлом куён эластик пружинани эслатади. Шалвираган заиф куён эса – шалпайганича осилиб туради. Жинсий органининг ташқи кўриниши ва ҳолатига эътибор қаратилади. Органининг шакли бузилган, тошма тошган ва шу каби бошқа оғишларга эга куён ҳам харид қилинмайди. Оёқ тукларининг кафт ичига ёпишиб қолганлиги – юқумли тумов аломатидир. Соғлом куён кўзлари равшан, жонли, қовоқлари шишмаган, баданидаги юнг қопламаси силлиқ ва ялтироқ бўлади.

Айти бир шароитга турли зотга мансуб куёнлар турлича таъсирчан бўлади. Бу эса куёнбоқар ихтиёридаги куёнхоналар ва ем захиралари саралаб қўлланилиши кераклигини аңлатади. Мисол учун, атрофдаги куёнбоқарлар кул ранг великан зотини афзал кўрсалар бунинг замирида иқтисодий сабаблар мавжудлигини билдиради. Агар сиз ҳеч кимда йўқ куён зотига эга бўлсангиз жониворлар бошини кўпайтириш масаласини қийинлаштирган бўласиз. Бироқ, бу янги зотларга эга бўлиш, уларни синаб кўриш мумкин эмас деган маънони аңлатмайди.

Куён зотининг аҳамияти жуда катта. Хусусан, гўштга ихтисослашган йирик куён зотининг тирик вазни зоти паст куёнга нисбатан 4-5 баробар ортиқ бўлиб, терисининг сифати бўйича ҳам фарқи сезиларли даражада ибратомуздир. Мисол учун, асл зотли совет шиншилласининг териси шу қадар чиройлики, ҳеч қандай чатиштириш амаллари бунчалик гўзал тусдошлик натижасини бермайди. Шу сабабли куёнбоқарликка эндигина киришган киши тоза зотли куён харид қилиши ва илк кезларда чатиштиришга ошиқмагани маъқулдир.

Кенг тарқалган маҳаллий зотлардан танлаб олсангиз, куёнчилик соҳасида бошлаган ишларингиз нисбатан ишончли кечади. Бунинг сабаби аён, биринчидан, куённи сиз арзон нархга харид қилиб оласиз, иккинчидан, унинг бошини кўпайтириш билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келмайсиз, бошқалар билан тажриба ўртоқлашиш, зотли насл етиштириш ва ниҳоят ўз муваффақиятларингизни кўшниларингиз муваффақиятлари билан таққослаб бориш имконига эга бўласиз.

Куённи наслдор хўжаликлардан ёки қобилиятини амалда кўрсатган, урчитиб берувчи асл зотли эркак куёнларга эга куёнбоқардан харид қилиш керак. Уларда мавжуд ёш куёнлар доимо йирик, урғочи куёнлари эса – серсут бўлади. Икки-уч

маротаба ҳар йили 4 маротаба болалаган ва ҳар сафар 8-10 бошдан соғлом бола етиштирган кўп туғар қуён индаги қуёнчаларни харид қилган афзалдир. Наслдор хўжаликлардан қуён харид қилсангиз кам таваккал қилган бўласиз. Зеро бундай хўжаликларда фақат соғлом қуён боқилиб, янги зотлар яратилади. Яхши қуёнбоқар зотлар шажарасини юритиб бориб, ўз жониворлари ҳақида кўплаб қўшимча маълумотлар бериши мумкин.

Энг жиддий масалалардан бири – боқиш учун зот танлашдир. Авваламбор турли зотларнинг ўзига хос хусусиятлари, қайси йўналишга ихтисослашганлиги ва иқлим шароитига чидамлилигини батафсил ўрганиб чиқишингиз, муайян қуён зоти ихтиёрингиздаги хўжалик шароитига мос келиш-келмаслигини аниқ билиб олишингиз керак.

Асос қилиб олинадиган бошланғич тўдани тўғри танлаш ундан ҳам муҳим масаладир. Негаки жониворларнинг барчаси ҳам ўз зотининг муносиб вакили саналмайди. Қуённи боқиш ва кўпайтириш ишларидаги асосий муваффақият кўпроқ ихтиёрингиздаги тўда ибтидоси қайси жонивордан бошланганлигига боғлиқ. Насл берувчи эркак қуён ва тўдани тўлатувчи ёш авлодни қатъий саралаб олиш амалларисиз боқиш ва гигиенани яхшилаш борасидаги тадбирлар зарурий самара бермайди. Модомики шундай экан эҳтиёт бўлишингиз, қуёнларни таваккал харид қилмаслигингиз ва даставвал тажрибали қуёнбоқарлар маслаҳатини олишингиз лозим.

Қуён жуда ҳуркак, асаб тизими ниҳоятда нозик жонивордир. Гайриоддий шовқин, ҳаттоки ўзига таниш нарсанинг дафъатан пайдо бўлиши – ҳомиласини йўқотиши, болаларини ғажиб ташлаши ёки кўрқиб қочар экан ўз болаларига жароҳат етказиши ва шу каби бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Айниқса болалаш арафасидаги ёки янги болалаган урғочи қуён жуда кўрқоқ ва асабий ҳолатда бўлади. Шунинг учун қуёнхона ичи ва яқинида бажариладиган барча амаллар бир маромда аста-секин бажарилиши, бегоналарнинг яқин келиши (кириши) имкон қадар чекланиши лозим.

Қуёнларни бир катакдан иккинчисига олиб ўтиш, урчитиш, вазнини ўлчаш каби амалларни бажариш учун тез-тез қўлга олиб туришга тўғри келади. Бу амални эҳтиёткорона бажариш лозим. Акс ҳолда қуённи нафақат кўрқитиб юбориш, балки танасини шикастлаб, терисининг остини моматалоқ қилиб қўйиш, муҳим органларига жароҳат етказиш мумкин.

Қуённи қулоғидан ушлаб олиб юриш мумкин эмас. Бунда унинг жони оғрибкина қолмай, ҳаётига ҳам хавф туғилади. Гап шундаки, қулоғидан ушланиб тик осилиб турган фурсатда қуённинг кўкрак-курсоқ пардаси ички органлар босимиға бардош бера олмайди. Қорин бўшлиғидаги органлар кўкрак-курсоқ пардасини таранг тортиб, ҳаракатсизлантириб қўяди. Бу эса, ўз навбатида, қуённинг диафрагмали нафас олиш жараёнини издан чиқаради. Натижада қўлингизда осилиб, нафас олиши қийинлашган қуён ҳалок бўлади. Айни шу сабабга кўра қуённи боши билан ерга қарата осилтириш ҳам ярамайди. Бундан ташқари осилиб турган қуён жони оғриганлиги боис қаттиқ қаршилик кўрсатиб, ўзининг пайлари ва мушакларини узиб юбориши мумкин. Қуёнчани бел усти терисидан тутиб ташиш лозим. Шундай қилинганда у кўпроқ горизонтал ҳолатда бўлиб, қўлингизни тимдалай олмайди. Катта қуённи бўйин ва яғринидаги тери буришиғидан тутиб ташиш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда унинг бўйни ва боши бироз ортга тортилиб, кафтингизга тиралади. Қуённи кўтарган кишининг

қўли қуён умуртқасига параллел, иккинчи қўли эса думғазаси остидан суяб борилмоғи лозим.

Жинсий органини кўздан кечириш мобайнида қуён, юқорида айтилгани каби қўлда кўтариб юриш ҳолатида ўнг қўл билан тутиб олиниб, думғазасига ўтиришга мажбур қилинади. Чап қўл билан эса жинсий органи яқинидаги тери бироз босилади. Ушбу қўл жониворнинг ортки чап оёғи устидан олиб борилиб, у қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлганида хавфли ҳаракатларидан сақлаб туради. Қорни ва бақувват чангаллари юзингиз томон ағдарилган қуён билан мулоқот қилаётганингизда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этишни унутманг.

4. ҚУЁННИНГ АСОСИЙ ЗОТЛАРИ

Қуённинг зотлари асосан учта яъни: гўшт, гўшт-тери (мўйна) ва момиқ йўналишларига ихтисослашган.

Қуён зоти икки асосий мезонга, хусусан:

юнг қопламасига кўра – меъёрий юнгли (аксарият зотлар), қисқа юнгли ва узун юнгли (момиқли);

танасининг катталигига кўра – йирик, ўрта ва майда турларга бўлинади.

Совет шиншилласи



6- расм. Совет шиншилласи

Йирик зотга мансуб гўшт-тери олишга ихтисослашган қуён. Бақувват жуссаси ва калин юнг қатлами билан фарқланиб туради. Ўртача тирик вазни 5 кг, айримлари эса 6-7 кг га қадар етилади. Урғочи қуён серпушт, сутлилик даражаси юқори бўлиб, 8-12 бошгача бола боқиб, улғайтиради.

Баданидаги юнг қопламаси кумуш ва кумуш-мовий тусда кўриниб, умуртқа ва биқинларида эгри-букри қора чизиқлар кўзга ташланади. Қорин соҳаси ва оёқларининг ички томонидаги момиқлар асосан оқ рангда бўлиб, таркибида бироз қорамтир тус олади. Бели ва биқинидаги мўйнага пуфланганда таги мовий, ундан




юқори қисми тўқроқ

тусга эга тук ва момиқлар қатлами, сўнг оқ рангдаги ҳалқалар кўринади, мўйна учи қора бўлади. Қуён кўзлари хошияга эга, қулоқлари ва думининг юқори қисмида қора доғ, бошининг орқасидаги камгакда оч

тусли кашқа бўлади.


Ушбу қуён мўйнаси (6- расм) шиншилла деб аталувчи олмахонсимон жониворнинг табиий кўринишдаги мўйнасига ўхшаб кетиши боис (зотнинг номланиши ҳам шу сабаблидир) унинг терисига талаб катта бўлади. Ундан телпак, мўйнали пўстин ва ёқалар тайёрланади.



Урғочисининг оналик сифатлари яхши ривожланган. Болалашдан олдин майда тўшама ҳамда қорин ва биқин соҳасидан юлиб олган момикдан каттагина уя тайёрлайди. У тайёрлаган уя ташқарига чиқарилган катакда – 30⁰ гача совукда наслини сақлаб қолади. Бунга биринчи бор эмас, балки иккинчи ва кейинги болалашда эришади, албатта.

Совет шиншилласи иқлим ва емнинг турли шароитларига тез кўникиб кетиши туфайли ҳаваскор куёнбоқарлар ичида кенг тарқалган.

Кул ранг великан



7- расм. Кул ранг великан

Йирик зотга мансуб гўшт-тери олишга ихтисослашган куён. Гавдасининг узунлиги 51-65 см гача бўлиб, деярли юмалоқлашиб кетган, жуссаси бақувват жонивор.



Кўкрагининг йўғонлиги 37-39 см. Бели тўғри ва кенг. Оёқлари бақувват, қиска, сермушак. Тирик вазни 5-8 кг га етади. Юнг қопламасининг ранги 4 хил: сарғиш кул ранг, очик кул ранг, тўқ кул ранг ва қора бўлади (7- расм).




Урғочиси тез урчийди, ҳар болалганида 10 бошгача бола беради.

Оқ момик


Ўрта катталиқка мансуб зот. Вазни 3-4 кг, айримлари 4,5-4,9 кг га етади. Танасининг узунлиги 54 см, кўкрагининг йўғонлиги 30-34 см келади. Йил давомида ҳар бир толасининг узунлиги 6-16 см келадиган, вазни 300-500 гр, айримлари 700 гр гача оппоқ момик беради (8- расм).



8- расм. Оқ момик



Оқ великан



9- расм. Оқ великан

Гўшт-тери олишга ихтисослашган зот. Танасининг узунлиги 60-67 см. Ўртача тирик вазни 5 кг. Ўз вақтида ва сифатли шилиб олинган тери қабул пунктида олий навга қабул қилинади.

Оқ қуён, одатда, альбинос бўлиб қизил кўзлари билан фарқ қилиб туради (9- расм).





Қора қўнғир

Гўшт-тери олишга ихтисослашган зот. Юнг қопламасининг ранги қора қўнғир тулки юнгининг тусига ўхшаб кетганлиги боис шундай ном берилган. Қуёнчалари 3 ойгача тим қора рангини сақлаб туради. 7-8 ойга етганларидагина юнгларидаги тус ўзгара бошлайди. Улғайган қуён юнгининг ранги танадаги турли жойларда турлича кўринади. Мисол учун, боши ва бели қора, биқинлари қўнғир, қорин соҳаси тўқ мовий. Тукининг йўналган қисми қора бўлиб таги бироз очроқ. Биқинидаги туклар тусланган (10- расм).



10- расм. Қора қўнғир



Ушбу қуён бақувват жуссаси билан фарқ қилиб туради. Суяклари мустаҳкам. Танаси 61 см гача чўзиқ, боши йирик, кўкраги йўғон ва кенг (37 см). Бели узун, тўғри ва кенг бўлади. Оёқлари тўғри, узун ва йўғон. Улғайганда 5-6,5 кг,

айримлари ҳатто 8 кг га бориб етади. Урғочи қуён ўртача 8 бошгача бола беради. 3 ойга тўлган қуёнчалар вазни 2,5-2,9 кг га бориб етади.

Кумуш ранг



Гўшт-тери олишга ихтисослашган ушбу қуённинг танаси йирик ва ихчамдир. Ташқи кўриниши хурпайган, мўйнаси юмшоқ, қалин ва ранг-баранг, терисининг питирёғи эса зич бўлганлиги учун ҳам жуда қадрланади. Айрим қуёнбоқарлар уни асосан мўйна олишга ихтисослашган деб ҳисоблайдилар. Бироқ у жадал улғайиб, жуда тез етилиши ва сергўштлиги билан бошқа зотлардан фарқ қилиб туради.

Кўкраги, бели ва думғазаси энли, оёқлари мустаҳкам. Сағридаги мушаклар ривожланган бўлиб, юмалоқланиб кетиши ушбу зотга хос аломатдир. Бундан ташқари унинг боши кичик бўлиб, пешонасидан бошлаб бурун томон тушган қисми торайиб боради. Қулоқлари калта, энсиз бўлиб, доим тик туради.

Кўзлари жигар ранг, жонли. Бир текис тус олган мўйнаси эскирган кумуш ранги сингари кўринади. Юнгининг қатлами икки тусли, хусусан: юнглари қора (йўналтирувчилари оч қора), туклари эса оқ бўлади. Момиғи бир текис тошқалам мовий тусга эга. Тукларнинг кумуш ранги турлича нисбат бериб: тўқ-ўртача-оч жиловланади.



Қуёнчалар тим қора рангда (баъзан кўкимтир) туғилиб, фақат 4-5 ҳафтадан сўнггина бурун, дум ва қорин соҳасида кумуш тус пайдо бўлади. Шундан сўнг бош, бел, кўкрак ва қулоқлари ўз рангини ўзгартира бошлайди. Тук қопламасининг ана шундай изчилликда ўзгариб бориши тўғри бўлиб, қуён асл зотга мансуб эканлигидан далолат беради. Мўйнасининг тусланиш жараёни 4 ойга тўлганида ниҳоясига етади. Туки

ингичка, ипаксимон бўлиб, қалинлиги ва пишиқлиги талаб даражасида бўлмайди.

Кул ранг урғочи 8-9 бош бола беради. Табиатан шўх бўлиб, кун тартиби ва одамларга тез мослашади. Мўйнаси Сибирь олмахонининг мўйнасини эслатади.

Вена мовий куёни




Гўшт-тери олишга ихтисослашган жуссаси ўртача куён. Йириклиги ва гавдасининг шакли асосан фландралардан мерос қолган хусусан: танаси чўзик (фландрага нисбатан пишиқроқ), суяклари мустаҳкам, думғазаси билан бели кенг бўлиб, аммо фландраникидек йўғон бўлмайди. Мўйнасининг ранги қатламларга бўлинмаган тарзда ялпи танаси бўйлаб бир текис кўкимтир мовий бўлиб, оқ-қора

туклари бўлмайди. Тук ва момиклари қалин, юмшоқ, хурпайган бўлиб, нисбати бўйича (1:65) рус оқсувсар куёнидан кейин (1:90) барча зотларга мансуб куёнлардан устун туради. Унинг мўйнаси денгиз мушуги мўйнасига тақлид қилиш мақсадида қўлланилади.



Сутли бўлиб, урчиш тизғинлиги етарлича жадал кечади. Яхши шароитда боқилган 90 кунли ёш куён 2,5-2,6 кг га, 4 ойга тўлганида эса – катта куён вазнининг 70% га етади. Урғочисининг тирик вазни 4,6-5 кг, айримлари 7 кг га етади. Тез вояга етиши, гўшторлиги ва еган емини оклашига кўра гўшт-тери олишга ихтисослашган зотлар орасида ўртача ўринда туради.



Куёнчалар кул ранг тусда дунёга келади. Зотига хос рангга иккинчи бор тулаганидан сўнггина бурканади. Баъзан, ёз фаслида, юнгига хира қўнғир қиров тушиб, қишга яқин тулаганида ғойиб бўлади.

Капалак

Гўшт-тери олишга ихтисослашган йирик куёнлар гуруҳига мансуб зот. Тумшуғидаги доғлар оқ жойга қанотларини ёзганича кўниб олган капалакка ўхшаб кетганлиги боис куёнга шундай ном берилган. Мўйнасининг аксарият қисми соф оқ бўлиб, баъзи жойларидаги доғлар танасига нақш бериб туради.


Доғлар рангига кўра ушбу зот қора, мовий, сариқ ва кул ранг капалакка бўлинади. Улар ичида эса, мўйнадаги доғлар ранги бир-биридан кескин фарк



қилиши боис қора ва мовий ранг капалаклар энг чиройли деб эътироф этилмоқда.

Танаси бақувват, аъзолар бирдай ривожланган, бели чўзиқ, бироз аркасимон, сағри кенг, мушакли, суяклари мустаҳкам.

Ялтироқ мўйнасининг қалинлиги ўртача, туклар қисқа, пайпаслаганда зичдай туюлади. Кўзларининг айланасида тўқ рангли узилмаган ҳошия бўлади. Ушбу ҳошиялар, асл зотли қуёнда бурун, юз ва қулоқлардаги доғларга туташмаган, мухтор бўлиши шарт. Кўзларининг ранги ҳошия рангига мос келиши, иккала юзидаги доғлар симметрик жойлашган бўлиши керак. Қулоқларининг асосидан думининг учига қадар бели узра кенг (эни 3 см келадиган) узлуксиз, данданали тўқ чизик ўтган бўлади. Биқин соҳасидаги доғлар умуртқа устидан ўтган чизик билан туташмаслиги керак. Урғочининг эмчақларидаги сўрғичлар атрофида қора доғлар бўлиши шарт. Бундай доғлар бўлмаса қуён асл зотли саналмайди. Тирноқлари ва думининг пастки қисми рангсиз бўлади. Капалак зотига мансуб қуён танасидаги ранглар топографияси янги яратилаётган зотларга осон ўтиши ва бошқа (сарик, кул) ранглар билан уйғунлашиб кетиши мумкин.



Урғочи қуён кучли бўлиб, ҳар сафар ўртача 8 бошдан бола беради. Етарлича сутли бўлади. Катта ёшдаги қуён вазни 4,5 – 4,8 кг га етади.

Барча зотларга мансуб қуёнларда учрайдиган умумий камчиликлардан ташқари зоти асл бўлмаган капалакларда қуйидаги камчиликлар кўзга ташланади:

бурнида оқ доғлар бўлиб, “капалак” нинг йўқлиги;

танасининг ҳаддан ташқари калталиги;


бағбақасининг катталиги;

кўзи атрофидаги ҳошия ва белидаги чизикнинг узилиб қолганлиги;

юзидаги доғлар кўз ҳошиясига туташиб кетиши;

тирноқлар қорамтир тусга эга бўлиши.

Бошқа зот билан чатиштирилса мўйнасининг сифати бузилади. Бу, айниқса кул ранг великан ёки совет шиншилласи билан чатиштирилганда кўзга яққол ташланади. Чатиштириш натижасида ҳосил бўлган зот мўйнасида ноаниқ, баъзан хира доғлар бўлиб, нақшлари хунуклашиб кетади. Оқибатда – аёллар ва болалар кийимларини тайёрлашга яроқсиз тери ҳосил бўлади.



Совет мардери

Мўйна тайёрлашга ихтисослашган, катталиги ўртача зот.

Улғайган қуённинг тирик вазни 4-4,3 кг га етади. Мўйнасининг ранги сувсар мўйнасини эслатувчи жигар ранги билан фарқ қилиб туради (“мардер” сўзи сувсар

маъносини англатади). Табиатан бақувват, танаси қисқа, бели тўғри ёки биров аркасимон, боши кичик, кўзлари жигар ранг бўлади. Кўкраги кенг териси зич ёпишган бўлиб, бағбақа бўлмайди. Гавдасининг олди, қулоқлари, боши, оёқлари ва думининг ранги тананинг қолган қисмларига нисбатан тўқроқ кўринади. Мўйнаси қалин, юмшоқ бўлади. Серпуштлиги ўртача, ҳар болалаганида 7-8 бошдан бола беради. Қуёнчалар кул ранг туғилиб, 4-5 ойга тўлгандагина катта қуён рангини олади.

Қуёнчаларнинг ўсиб, вояга етиш тезлиги ўртача кечади. Тўқ жигар ранг мардернинг мўйнаси асосан табиий ҳолатида қўлланиши боис алоҳида қимматга эга. Буюм тайёрлаш мобайнида ранги оч ёки тенг тарқалган мўйнасини саралаб олиш мураккаброқ.

Зотнинг нуқсонлари ҳам, афзалликлари ҳам кам ўрганилган.

Рус оксусари

Кичик қуён зотига мансуб, асосан мўйна олишга ихтисослашган қуён.

Пишиқ питирёғли қалин ва ялтироқ мўйнасининг сифатига кўра, ушбу зотни, мўйна олишга ихтисослашган зотлар ичида жаҳонда тенги йўқ зот деб қабул қилса арзийди.

Тирик вазнига кўра (3,5-3,9 кг) қуён йирик эмас. Боши кичик, қулоқлари калта ва доимо тик туради. Жуссаси қисқа ва ихчам. Кўкраги кенг, бағбақаси йўқ. Орқаси қисқа, кенг, аркасимон. Сағри мушакли, юмалоқ.

Мўйнасининг ранги оқ, қулоқлари, тумшуғининг учи, оёқлари ва думи қора ёки жигар ранг қўнғир, кўзлари қизил. Қуёнчалар оппоқ туғилади, зотига хос қора доғлар эса 3-4 ҳафтадан сўнг кўрина бошлайди.

Қисқа юнгли қуён (рекслар)



Тук ва момикларининг узунлиги тенг бўлганлиги боис рекс қуённинг мўйнаси қатламликдан маҳрум бўлиб, худди қирқиб олингандек кўринади. Унинг мўйнаси денгиз мушуги мўйнасига тақлид қилиш мақсадида қўлланилади.

Бошқа қуёнлар билан чатиштириш натижасида рекснинг 20 дан ортиқ, жумладан, рекс шиншилла, рекс капалак, рекс мовий, рекс малла, рекс сарғиш, учранг, қора каби жузъий ўзгарган зотлари ҳосил бўлган. Шунинг учун ҳам чатиштирилган зотга кўра рексларнинг хилма-хиллиги кўп кузатилади.

Урғочи қуён ҳар болалаганида 5-6 бошдан бола беради. Жуссаси, одатда, нозик бўлиб, ўртача ривожланади.



Янгизеландия оқ қуёни

Гўшт олишга ихтисослашган, жуссаси ихчам, аъзолари мутаносиб ривожланган, боши сўлғин, ён томонлари биров бўртиб чиққан, кўзлари барча альбиносларники каби қизил қуён. Қулоқларининг узунлиги ўртача, асоси йўғон,

тўғри туради, бўйни қисқа, бутун танаси билан деярли уйғунлашиб кетади. Урғочи қуёнда кичик жағ бўлади.



Танасининг узунлиги, зоти асл бўлса, ўртача бўлиши керак, жуда қисқа бўлса нуқсон саналади. Гавдасининг барча қисмларидаги, шу жумладан, елка ва биқин соҳасидаги мушаклар яхши ривожланган бўлиши лозим.

Танасининг узунлиги 47 ва 49,5 см бўлса, тирик вазни стандарт бўйича ўртача:

эркак қуённики – 4-5 кг;

урғочиники – 4,5-5,4 кг бўлиши лозим.

Қуёнбоқарлар орасида кенг оммалашиб кетганлигининг сабаби тез етилиши билан боғлиқдир, яъни ёш қуён вазни 8 ҳафтада 1,7-2,1 кг га, 90 кунда 2,7 кг га етади. 120 кун ўтгач эса, унинг вазни 52-58% га ортади.

Урғочиси жуда серсут бўлиб ҳар болалаганида 8-10 бошдан бола беради.



Янгизеландия оқ қуёни жаҳонда энг кўп тарқалган зот саналади. Бироқ у камчиликлардан ҳам холи эмас, жумладан:

териси шалвираган;

елкаларида ёғ ҳаддан ташқари кўп;

танаси жуда қисқа бўлади.

Калифорния қуёни

Маҳсулдорлигига кўра гўшт етиштиришга ихтисослашган қуён деб эътироф этилган.



Танасининг нисбатан кичик бўлишига қарамай ушбу қуённинг тирик вазни 4,2-4,5 кг га бориб етади, айримлариники бундан ҳам оғир бўлади. Суяклари нисбатан ингичка ва қисқа бўлса ҳам танасидаги барча мушаклари яхши ривожланган. Бўйни жуда қисқа деярли сезилмайди. Шу сабабли боши бироз кўтарилган. Рус сувсаридан серпуштлик ва юқори сифатли мўйнани мерос олган (мўйнасининг момиқлиги сезилмас даражада дағал, қалин ва зич бўлади). Питирёғи зич ва қалин. Юнги оқ, ялтироқ. Оёқларининг пастки қисми, қулоқлари, тумшугининг учи ва думи тўқ жигар ранг, деярли қора, айримлари бўйнининг пастки қисмида кичик қора доғлар кўринади. Қулоқлари жуда қисқа бўлиб, доимо тик туради. Кўзлари қизғиш-пушти, тиниқ, нигоҳи жонли, табиатан серғайрат, бироқ феъл-атвори вазмин. Танасининг гўштли жойлари ортиқ даражада катталашиб кетганлигига қарамай эркак қуён жуда фаол бўлади. Урғочи қуён муттасил 8-9 бошдан бола беради. Сутлилик даражаси қониқарли.

Калифорния ва Янгизеландия зотларига мансуб қуёнларнинг асосий афзалликлари жумласига:

тез етилиши;



серпуштлилиги;
 организмининг чидамлилиги;
 қисқа вақт ичида сўйса бўладиган даражада етилиши;
 бошқа зотларга нисбатан сергўшт бўлишини киритиш мумкин.

Икки ойли жониворнинг тирик вазни 1,8 кг га, яхши боқилгани 2-2,3 кг га, уч ойга тўлганида 2,6-2,7 кг га етади. Танасининг фойдали қисми (гўшт-ёғи) тирик вазнинг 60% ни ташкил этади.

5. МОМИҚ ЕТИШТИРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН ҚУЁНЛАР

Бундай зотларнинг энг машҳур ва маҳсулдорлари – ангор ва оқ момиқ саналади. Момикли қуённинг маҳсулдорлиги организмининг мустаҳкамлигига боғлиқдир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, оқ момиқ зоти чидамлилиги билан бошқа қуёнлардан ажралиб туради.

Оқ момиқ бошининг катталиги ўртача, думалоқлашган, кулоқлари калта, доимо тик туради. Кўкраги чуқур бўлмайди, бағбақаси йўқ, бели кенг, аркасимон, сағири ҳам кенг, мушаклари етарлича ривожланган бўлади.

Баданини қоплаб турган юннинг 92-96% момиқдан ва 8-4% тукдан иборат бўлиб, момиғи гўшт-тери олишга ихтисослашган зотга мансуб қуён момиғига нисбатан 1,5 баробар пишиқ бўлади. Момик узунлиги 11 см гача, ангор қуёнининг момиғи эса 25 см гача бўлиши мумкин. Катта қуёндан йилига ўртача 350-450 гр, яхши боқилган бўлса – 600-650 гр, айрим сара жониворлардан эса – 1000 гр момиқ олинади.

Бир ойга тўлган қуёнчалар вазни 350-450 гр бўлиб, икки ойда 1 кг га етади.

Қуён момиғидан тайёрланган ашёлар сифати кашмири, вигонь ва альпигадан тайёрланган ашёлар сифатига тенг, айрим жихатларига кўра эса ҳатто бир неча устунликларга эга саналади. Мисол учун, қуён момиғи ювиш, қуритиш, туклардан тозалаш каби қимматга тушадиган амалларни бажармасдан ҳам қайта ишланишга тайёрдир. Қуён момиғидан тайёрланган ашёлар айрим даволовчи хусусиятларга ҳам эгадир. Бундай ашёлар мисол учун, радикулит ёки невралгия билан касалланган одамларга тавсия этилади. Қуён момиғи иссиқ сақлаш хусусиятига кўра қўй жунидан ўн баробар устун туради.

Урғочи қуёнда эркак қуёнга нисбатан момиқ кўп ва жуда ингичка бўлади. Шу сабабли момиқ етиштиришга ихтисослашган қуёнчиликда эркак қуёндан насл олиш учунгина фойдаланилади холос. Урғочини боқиш давомийлиги 5-6 йил. Болалатиш маромининг жадаллиги ўзга зотларга нисбатан суст, негаки ушбу зотга мансуб бола эмиздираётган қуён урчитишга қуйилмайди. Илк бор 8 ойга тўлгандагина урчитилади. Момикли қуён кўп болали, бироқ сутлилик даражаси гўштга ихтисослашган қуёнга нисбатан паст бўлади. Шу сабабли оқ момиқ уясида 6 бошдан ортиқ бола қолдирилмайди. Янги туғилган қуёнчаларнинг жинси аниқланиб, асосан урғочи қуёнчалар қолдирилади. Агар жониворлар бошини кўпайтириш зарурати туғилса, урғочини йил давомида урчитиш бориш мумкин. У, одатда, январь ойидан май ойига қадар, момиқ йиғиб олинган 8-10 кундан сўнг, уруғлантирилади. Бир ёки икки ой ўтказиб урчитилиш тавсия этилмайди. Акс ҳолда ҳомиладор урғочи бола ташлаши ёки туғилган болаларини эмиздирмай қўйиши мумкин. Шу боис, момиқ ўз вақтида йиғиб (қирқиб) олинмай қолади. Бунда момиқ сифати ҳам пасайиб (чигаллашиб) кетади. Момикли қуённинг янги

зотини чиқариш мобайнида саралаш амаллари қатъий талабларга риоя қилинган тарзда, айниқса соғлиғига кўра ажратиб, бажарилади. Касал қуённи ёшлигидаёқ, шунингдек, момиқ беришга яроқсиз бўлиб қолган ҳар қандай ёшга тўлган қуённи ажратиб олиш зарур. Чунки момиқ миқдори ва сифати қуённинг соғлиғига боғлиқдир.

Момикли қуён танасида дағал тук бўлмаслиги момиғининг тез чигаллашиб кетишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун қуён танасида етилган момиқни мунтазам юлиб бориш зарур. Модомики момиқ ушбу қуён берадиган асосий маҳсулот экан, унинг тоза, имкон қадар узун, зарарли аралашмаларсиз бўлиши учун махсус чоралар кўриш талаб этилади. Бунинг учун момиқли қуён катаги доимо тоза ва қуруқ бўлиши, тезак, кир тўшама ва ем қолдиқларидан муттасил тозаланиб борилиши даркор.

Момик ўсишини яхшилаш учун қуён емига балиқ мойи ёки тривитамин, суяк уни, бўр ва кукун қилиб янчилган тухум пўчоғи қўшилади. Булар нафақат момиқ ўсиши ва сифатига ижобий таъсир кўрсатади, балки момиқли қуённинг гўшт-тери олишга ихтисослашган қуёнга нисбатан нозик бўлган суяклари мустаҳкам бўлишига ҳам омил бўлади.

Қуён момиғи илк бор у ҳаётида биринчи маротаба тулаётган пайтда юлиб олинади, келгусида эса ҳар 2-2,5 ойда, момиқ тўла ўсиб борган сари юлиб борилади. Момик, қуённинг боши ва оёғининг сакратувчи бўғинларидан ташқари, танасининг барча қисмларидан тўла-тўқис юлиб олинади. Момик юлиш ишлари қуйидагича бажарилади: қуённи қаршингиздаги стол ёки ўриндик устига жойлаштирасиз (тиззангизга олиб ўтиришингиз ҳам мумкин). Уни тинчлантиргач, бош ва кўрсаткич бармоқларингиз билан боши яқинидаги момиқдан озроқ юлиб оласиз ва шу тариқа аввал бел ва биқинлари сўнгра қорин соҳасини тозалайсиз.

Момик, қуёнга озор бермай осон узилиши лозим. Унинг юлиниши шу тарзда кечса қуён зоти тоза эканлигидан далолат бўлади. Негаки момиқ олишга ихтисослашган асл зотли қуён танасида дағал тук бўлмайди. Агар қуён жони оғриётгани сезилса зоти асл эмаслигига иккиланмасангиз ҳам бўлаверади. Бу ҳолда момиқ тароқ билан тараб олинади. Болалашига оз қолган урғочи момиғини юлиш мобайнида ниҳоятда эҳтиёт бўлиш лозим. Эркак қуённинг момиғини ҳам бевосита урчитишдан олдин юлиб олиш тавсия этилмайди. Йилнинг илик кезларида урғочи болалаганидан сўнг, уяда мавжуд момиқ ғарамини йиғиб олиш мақсадга мувофиқдир. Уядан олинган момиқ пичан, сомон, пайраҳа каби бегона жисмлар ва ем қолдиқларидан астойдил тозаланади ва узунлигига қараб сараланади.

Момик олишга ихтисослашмаган қуён момиғи ҳам худди шу усулда йиғиб олинади.

Қуённи сўйишдан бир ой олдин момиғи астойдил юлиб олинади. Шундай қилинса сўйиш фурсати келган жонивор мўйнасининг сифати яхши, момиғи чигаллашмаган бўлади.

Йилнинг совуқ кезларида (об-ҳаво ҳарорати манфий бўлганида) момиқли қуён иссиқ хонага кўчирилади. Бунинг иложи бўлмаса қуён момиғи тўлиқ юлинмайди.

Узунлиги ва тозалигига кўра қуён момиғи тўрт навга бўлинади.

Қуёнча танлаб олаётганда унинг ҳолати, ҳаракатчанлиги, шўхлиги, баданининг тозалигига эътибор беринг. Агар қуёнчанинг думи кир, нажас

ёпишган бўлса ичи бузилган бўлиши мумкин. Ланжлик, кам ҳаракатчанлик, юнгининг хиралиги ҳам қуёнчанинг касаллигидан далолат беради. Қичима ва қўтир касалликларига чалинмаганлигини билиш учун кулоқларининг чанокларини диққат билан кўздан кечириб чиқинг. Соғлом қуёнчаларнинг кулоқлари тоза ва етарлича узун бўлиши лозим. Бу аломат йирик бўлиб улғайишларига ишора қилади. 1,5-2 ойга етган қуёнчаларни харид қилар экансиз ташқи кўринишига эътибор беринг. Соққачага ўхшаб кетадиган юмалоққина қуёнча йирик бўлиб ўсмайди. Озгин бўлса ҳам узун қуён танланг. Агар 3-4 ойдан сўнг сўйиш мақсадида харид қилаётган бўлсангиз – эркагини танланг. У, одатда, тезроқ семиради ва натижада ем нисбатан кам сарфланади.

Эркак қуённи урғочидан ажратиб олиш қийин эмас. Қуённи қўлингизга олиб, бошини орқа томонингизга йўлланг ва тирсагингиз билан биқинингизга аста қисинг. Қуённи қисиб турган қўлингиз билан думини юқорига кўтаринг. Бўш қўлингизнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан жинсий аъзоси яқинидаги теридан тутиб жониворнинг қорин томонига аъзосини ташқарига чиқаришга ҳаракат қилиб, туртинг.

Қуён эркак бўлса, ёшига қараб 5 мм дан 10 мм гача конуссимон қувурча кўринади.

Урғочининг жинсий аъзоси ҳалқага ёки эндиgina очилаётган гулбаргга ўхшаб кетади.

6. БОҚИШ

Қуён табиатига кўра кемирувчилар синфига мансуб ҳайвондир. Унинг олдинги (курак) тишлари бутун ҳаёти давомида ўсиб бориб, уларни чархлаб туриш, яъни бирор-бир нарсани муттасил кемириб туришга эҳтиёж сезади. Акс ҳолда, бу тишлар қуён ўз оғзини ёпа олмайдиган даражага қадар ўсиб кетиши мумкин.

Агар қуён оч қолса тўғри келган нарсани еб қорин тўйдиришга мажбур бўлади ва одатда, катак ёғочини (эшик кесақисини) ғажийди.

Емида туз етарли бўлмаса ҳам катакдаги сийдик (аммиакли тузлар) сингиб кетган тахта ва ёғоч тўшамаларни ғажий бошлайди. Бундай ҳолат қуённинг минералларга эҳтиёж сезаётганини англатади.

Қуён жуда баднафс бўлиб, кундуз куни ҳам тунда ҳам ем еб тўймайди. Бунинг сабаби – жуда тез вояга етиши ва тез-тез болалаб туришидир. Шу боис ҳам у турли-туман емларга эҳтиёж сезади.

Қуён боқишни тўғри ташкиллаштириш учун, унинг турли емларга эҳтиёж сезишини инобатга олган ҳолда, кам харажат сарфлаб, жонивор иштаҳасини тўлатўқис қондирадиган, боқиш билан боғлиқ бошқа барча жараёнларнинг муваффақиятли ўтишини таъминлайдиган режим ўрнатмоқ керак. Шуларга асосланган ҳолда қуёнга дағал емлар тўйгунча, озуқа моддаларига тўйинтирилган емлар эса – белгиланган меъёрларга амал қилган ҳолда бериш лозим.

Битта қуёнга 5-6 кунга етадиган у ёки бу емни охурга қанча солиш кераклигини билиш учун емнинг озуқа бирлигида ўлчанадиган тўйимлилиқ даражасини билиш зарур.

Озуқа бирлиги деб 1 кг ўрта сифатга эга сулининг тўйимлилиги қабул қилинган. Бошқа барча емларнинг тўйимлилиги сулининг тўйимлилиги билан

таққосланади. Мисол учун, тўйимлилик 1 кг пичанда 0,2, силосда 0,15-0,2, кунжара ва донли емда 1 озуқа бирлигига тенг бўлади.

Қуёнга бериладиган асосий емлар жумласига:

кўк ўтлар (майса ва илдизмевалар палаги, карам барги, маккажўхори пояси ва барги);

ширадор емлар (илдизмевалар, полиз ва боғ маҳсулотларининг чиқиндилари, силос);

дағал емлар (пичан, сомон, шох-новдалар);

кучли бойитилган емлар (арпа, сули, буғдой, маккажўхори, дуккакли ўсимликлар дони ва уларнинг чиқиндилари яъни: кепак, кунжара, тахтакунжара, комбикорм);

кумоқланган донатор емлар (ўт-алаф уни, кунжара, дон чиқиндилари, гўшт-суяк ёки балиқ уни ва микроэлементлар);

минераллар (туз, бўр, суяк уни) киради.

Диққат! Қуёнга захарли гиёҳлар берилмайди. Захарли гиёҳлар жумласига бангидевона, айиктовон, зангпоя (бодиёна руми), оқ маралқулоқ, сарик айиктовон, қончўп каби айрим ёввойи ўтлар киради.

Ёз ойларида қуён учун асосий ем сифатида турли-туман кўкатлар, мисол учун: майса, дарахт ва буталарнинг барг ва новдалари, барг поя, палак ва бошқа полиз чиқиндилари хизмат қилади. Унга айниқса новдали ем бериш самаралидир.

Қуён барча мевали дарахтларнинг шохларини, тол, жўка, терак, ёнғоқ, қайин, акас, қайрағоч новдаларини, сабзи, редиска, кунгабоқар барглари, карам каби ўсимликларни жуда зўр иштаҳа билан истеъмол қилади.

Барча экиладиган кўкатлар қуён учун яхши ем ҳисобланади. Қуён аччиқ ва хушбўй ўсимликларни, жумладан шувоқ (ёвшан), дасторбош (бўйимардон), сачратки, ёввойи четан, укроп кабиларни хуш кўради. Ушбу ўсимликларни емининг таркибига киритилиши жуда фойдалидир. Негаки бу ўсимликлар гижжали касалликларнинг олдини олиб, овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ безлар фаолиятини жадаллаштиради, демакки қуён иштаҳасини ҳам очади.

Саримсоқнинг қуриган поясини ҳам қуён иштаҳа билан истеъмол қилади. Уни айниқса улғайиб бораётган ёш қуёнчаларга, биринчи навбатда стоматит ва ошқозон-ичак касалликларини олдини олиш мақсадида бериш фойдалидир.

Аъло витаминли ем сифатида гуллагунига қадар ўриб олинган ва тутамлар кўринишида сояда қуритилган қичитки (газанда) ўт хизмат қилади. Қичитки ўт пичани протеин моддасига бой бўлиб маълум даражада кучли емлар ўрнини босади. Қичитки ўт биринчилардан бўлиб баҳорда кўкариб чиқадиган ва ривожланадиган ўтлардан биридир. Кўк ўтларга ўтиш мобайнида жониворларни айна шу ўт билан боқиш лозим. Қуён оғзи шилинмаслиги учун чопиб, янчиб берилади.

Қичитки ўт билан бир вақтда тол ҳам кўкара бошлайди. Ёш қуёнчаларни ҳали оналарини эмаётган даврларида толнинг кўк новдалари билан боқиш керак. Негаки у қуёнчаларни ич кетишдан сақлаб, нажасини қотириб туради. Тол новдаларини қуён яхши истеъмол қилиб, кўк ўтга ўтиш учун қулай омил ҳисобланади. Эрта баҳорда ёзиладиган барглари ҳам жониворлар зўр иштаҳа билан ейди.

Қиш ойлари ва эрта баҳор кезларида витаминли ем ва сут келтирувчи восита сифатида эмиздирувчи урғочига бирор-бир илдизли мевалардан, мисол учун

сабзи, қизилча, хашаки шолғом ва шу кабиларни бериб бориш керак. Четан мевалари яхши витамин сифатида хизмат қилади. Кузда эса карам жуда фойдали ем ҳисобланади.

Қуён томорқа ҳўжаликларида боқилганида арзон ва осон етиштириладиган, одатда, қор қоплами ер юзасида турғун ётадиган кунларга қадар мўл бўладиган кўк емлар билан овқатлантириш фойдалидир. Кеч кузда қуён сабзавотларнинг япроқларини, саллагул, гладиолус, сарсабил, кулмоқ ва шу каби манзарали гулларнинг қуриган пояларини жуда яхши истеъмол қилади. Харобазор ерларда қорнинг қалинлигига қарамай қичитқи ўт, шувок, шўра (олабўта) кабиларнинг қуриган пояларини йиғиб олса бўлади. Тўйимлилиги ёзда тайёрланган пичанга нисбатан сезиларли паст бўлишига қарамай қуёнлар ушбу ўтларни зўр иштаҳа билан истеъмол қиладилар.

Кўк майсалар даври ниҳоясига етганида (ноябрь ойи охирида) бойитилган, қумоқланган ва минерал емларга ўтилади. Бу вақтга келиб сўйиладиган қуёнлар бўрдоқига қўйилади, овқат таркибига комбикорм ва донли емлар кўп микдорда киритилади.

Қишда дарахт шохлари билан бирга пичан ҳам берилади. Қуёнлар шохларнинг пўстлоқларини ғажийди, ёғочини эса ўтин сифатида ишлатиш мумкин. Ем таркибига шох-шабба қўшилса пичан сезиларли (50-60%) микдорда тежалади. Қуён, юқорида зикр этилгандай, дағал ва ширадор емдан ташқари бойитилган ем ва минералларга эҳтиёж сезади. Дон ўрнига турли-туман дон чиқиндилари, майда картошка ёки унинг пўчоқларини бериш мумкин.

Емлар асосан қуруқ ҳолатда берилади. Бироқ нўхат, ясмиқ, хашаки нўхат, маккажўхори, кунжара чиқиндилари қийин чайналиши боис охурга солишдан бир неча соат олдин сувга солиб бўктирилади. Кепак, комбикорм, ун чиқиндилари ҳам биров тузланган сувда ивителиб, қайнатилган картошка ёки дон аралаштириб берилади.

Илдизмеваларни беришдан олдин обдон ювиш, чириган жойларини кесиб ташлаш ва тахминан 100 гр дан келадиган бўлакларга тўғраб чиқиш лозим. Бундай бўлакларнинг сифатини текшириб чиқиш осон бўлиб, охурларга солиш қулай, қишда эса яхлаб қолиши қийин кечади.

Қандай ем берилмасин у яхши сифатга эга бўлиши ва тоза идишларга солиб берилиши керак. Ачиган, моғорлаган, бўрсиган (нам тортган) емни бериш асло мумкин эмас. Акс ҳолда қуёнлар ёппасига ошқозон-ичак касаллигига чалиниши, айниқса ёш қуёнчалар нобуд бўлиши мумкин. Бундай емни астойдил қайнатиб берган маъқул.

Қуёни суткада икки маротаба: эрта тонг ва кечки пайтда боқиш даркор. Агар бунинг иложи бўлмаса, бир ҳафтага етадиган ем солиб беришингиз мумкин. Кўк майса боғлари бир ҳафта давомида пўпанак босиб қолмаслиги учун охурларга солишдан олдин очиқ ҳаводаги сояда биров қуритилиши керак.

Шунингдек, теганаларга бойитилган емлар солиниб, нам аралашмалар мисол учун, майда картошка ёки пўчоғининг қайнатилгани ёхуд атала қуйиб берилади. Шу билан бирга бир неча сиқим комбикорм, овқат чиқиндилари қўшиб берилади. Буларнинг бари яхшилаб аралаштирилиб, тузланади ва ҳар 1 кг га 2 гр дан бўр ва суяк уни қўшиб юборилади. Ушбу аралашмага майдаланган қичитқи ўт, похол кукуни ёки бақатўн қўшиб берилиши мумкин. Бундан ташқари, обдон ювилган қизилча, сабзи каби илдизмевалар ҳам катакларга солиб чиқилади. Нам аралашма

ҳаво ҳарорати совуқ бўлган кезлардагина берилади. Чунки у илиқ кунларда тез бузилади (ачийди, моғор босади). Аралашма яхлаб қолмаслиги учун теганаларга оз-оздан солиниб, устига қуруқ комбикорм солинади.

Қуёнларга бир ҳафтага етгули бериладиган ем миқдори уларнинг ёши, сони, семизлиги каби мезонларга боғлиқ бўлиб, ҳар бир қуёнбоқар томонидан тажриба йўли билан аниқланади. Агар сиз охурларга бир ҳафтага етадиган ем солган бўлсангизда, қайтганингизда қолмаган бўлса, қуённи ошқозон-ичак касаллигини қўзғатмай эҳтиёткорона боқишга киришинг. Бундай ҳолатда уларга янги ўрилган майса берманг. Оз-оздан ем беринг. Қуёнларнинг очлигини аниқлаш учун уларни диққат билан кузатиб турсангиз кифоя. Тўқ қуён ўзини вазмин тутати, оч қолганлари эса эшик олдида безовта тўпланиб сакрайди, катак ичида у бурчакдан бу бурчакка тартибсиз югуришади. Уларнинг бундай ҳаракатлари оч қолганларига анча вақт бўлганлигидан далолат беради.

Шуни ҳам назарда тутмоқ лозимки, қуён кўникиб қолган емдан бошқа емга қийин одатланади. Янги емни сочиб ташлаб, оёқ ости қилади. Шунинг учун ҳам қуённи янги емга муайян изчиллик билан, даставвал қуён одатланган емга озроқ, кейинчалик миқдорини аста-секин ошириб кўникитириш лозим.

Ёзда қуённи яйловда боқиш мумкин. Бунинг учун енгил, туби йўқ кўчма катаклар тайёрлаш керак (11- расм). Ичига қуёнлар киритилган бундай катак майса кўп жойга ўрнатилади. Майса еб тугатилгач, катак янги жойга кўчирилади. Очiq ҳавода кўпроқ бўлиш имконини яратадиган ушбу амал айниқса ёш қуёнчалар учун жуда фойдалидир.

Яйловда боқиш учун мўлжалланган катаклардан яна бири тўрдан тайёрланган цилиндр кўринишига эга. Унинг ичидаги қуён оёқлари остидаги майсани еб тугатгач, катакни янги жойга ўзи мустақил кўчириб ўтказа олади. Қуён катакни фақат бир йўналишда юмалатиши учун бир томони енгил, шаффоф бўлмаган материал билан ёпилади.

Қуён мунтазам суғориб борилиши шарт. Ёзда қуён ўз ташналигини кўк майса ва ширадор емларда мавжуд нам билан қондиради.

Бундан ташқари, оддий автосувдон ўрнатиш ҳам қийин эмас. Консерванинг кенг банкиси ичига кўндаланг кесмаси банка бўйининг $\frac{2}{3}$ қисмига тенг келадиган иккита энсиз тахта ётқизилади. Шундан сўнг сув тўлдирилган 3 литрли баллон тез ағдарилиб, энсиз тахталар устига тик ўрнатилади.


Баллондан оқиб чиққан сув сувдонни баллон бўғзига қадар тўлдиради.

Қуён ичган сари сувдон сувга баллондаги захира эвазига тўлиб бораверади. (12- расм. а)). Автосувдонни янада такомиллаштирилган турини тайёрлаш мумкин (12- расм. б)). Овал шаклидаги банканинг (балиқ консерваси) бир четида баллон бўғзи сиғадиган 3 литрли туйнук очилади. Банка балиқдан бўшатилиб чайилади ва иккинчи четида ҳам қуён тумшуғи сиғадиган туйнук очилади. Кесилган қирралар, қуён жароҳат олмаслиги учун, эгов билан қириб ўтмаслаштирилади ёки қайириб қўйилади.


Шундан сўнг баллон сувга тўлдирилиб, бўғзи консерва банкиси билан ёпиладида тез ағдарилади. Сувдон баллоннинг бўғзига қадар сувга тўлади. Сувдон керакли жойга ўрнатилиб, маҳкамланади. Агар катакдаги қуёнлар сони кўп бўлса 10 литрли баллон ўрнатилади.

Қишда сув ўрнига қор ёки муз бўлаклари қўлланилади. Бунинг учун кичик идишларга зангламайдиган симдан (мисол учун, алюмин симдан) тайёрланган


сиртмоқлар жойлаштирилиб, бироз туз аралаштирилган ва калий перманганатнинг (марганцовканинг) 1-2 дона кристалчалари эритилган тоза сув қуйилади. Сув музлагач муз бўлаклари идишлардан қоқиб чиқарилади ва қуён оёқ ости қилмаслиги учун катак ичига сиртмоқларидан осиб чиқилади. Жонивор ушбу музни ялаб, чанқовини босади.



11- расм. Қуёнчаларни боқиш учун мўлжалланган олиб юрилувчи катаклар: а) оддий; б) қуёш ва ёмғирдан яшириниш учун мўлжалланган тахтали панагоҳга эга кенгрок катак; в) “ўзигорар” катак



12 – расм. Автосувдон



13- расм. Пичан солишга мўлжалланган қўшимча охур: 1- асосий бункер; 2- асосий бункер панжараси; 3- қўшимча панжара; 4- пружиналар ёки резинали жгутлар; 5- қўшимча панжарани мустаҳкамлаш учун ҳалқалар

6.1. Қуённи овқатлантириш учун мўлжалланган мосламалар

Қуённи 1-2 ҳафтага етадиган ем бериб боқиш учун мўлжалланган катакларга яримавтоматик тегана ва автосувдонлар ўрнатиш керак бўлади. Бундай мосламалар қуённинг емга етишини осонлаштириб, емнинг ифлосланиши, тўкилиши ва сочилиб кетишининг олдини олади. Уларнинг тузилиши содда бўлиб, ҳар қандай қуёнбоқар томонидан осон тайёрланиши мумкин.



Охур-тегана. Пичан, майса, супурги ва майда шох-шабба солиш учун мўлжалланган.

Овқатлантириш бўлимининг ён девори ялпи эни бўйича полга ётқизиладиган

пол-панжара сатҳидан 5-10 см баландликда очик қолдирилади. Девор ўрнига ҳар 4-5 см ораликда диаметри 5-6 мм келадиган симлар вертикал ёки бурчаги катак ичига йўналтириб ўрнатилади. Ташқи томонга эса оғма тўрға эга бункер жиҳозланади.

Қишда 3-4 бош қуён тинч ҳолатда қолдирилганида, яъни бўрдоқига қўйилмаган ёки болалатишга тайёрланмаган бўлса, уларнинг ҳолидан бир ойда бир маротаба хабар олиниши кифоядир. Бунинг учун пичан солишга мўлжалланган қўшимча охур пичанга тўлдирилади (13- расм). Теганалар ҳам емга тўлатилади, катак ичига супургилар осиб қўйилиб, каттагина муз бўлағи ва янги кесилган шох-шаббалар киритилади.

Қўшимча охур-тегана қуйидагича тайёрланади. Овқатлантириш бўлимининг юқорида айтилган панжарали девори ўлчамига мос келувчи металл (ёки ёғоч) панжара, симлари ҳар 4-5 см оралиғида вертикал ўрнатилиб тайёрланади. Ушбу панжаранинг бир томони катак деворининг пастки қисмига сим ҳалқалар билан



14- расм. Теганалар:
а) сочма емлар учун;
б) ширадор емлар учун

бириктирилади. Иккита пружина олиниб, бир учи тайёрланган панжаранинг юқори қисмига, иккинчи учи катак деворининг ташқи, тепа бурчагига маҳкамланади. Шундан сўнг ҳосил бўлган қўшимча охур тахминан 45° бурчак ҳосил қилинган тарзда тортилиб, тирковчи таёқ билан тираб қўйилади. Охур пичан билан зич тўлатилгач таёқ олиб қўйилади. Қўшимча охурдаги пичан истеъмол қилиб борилгани сари панжараси пружиналар ёрдамида катак томон яқинлашиб келаверади ва асосий охурга келиб қадалади. Қўшимча охур ўрнатилаётган пайтда симлари асосий охурнинг симлари қаршисига ёки бевосита яқинига тўғри келишига эътибор қаратмоқ лозим, акс ҳолда бир-бирига қарама қарши турган икки охурнинг симлари орасидаги масофа 4-5 см эмас 2 см бўлиб қолиши мумкин бўлиб, қуёнларнинг пичанга етишлари мураккаблашади.

Сочма ем учун мўлжалланган тегана усти кенг, таги торайтирилган, овқат чиқиндилари ва ширадор емлар учун мўлжалланган тегана эса усти торайтирилган таги кенг бункер кўринишида тайёрланади (14- расм). Бундай шакл емнинг тегана ичида тикилиб қолмаслигини таъминлайди.

Катаклар ва қуёнхона ичини тозалаш учун ҳам асбоб-ускуна керак бўлади. Катак ичига ётқизилган пол-панжара ва катакларни гўнг ва ем қолдиқларидан тозалаш учун соплари қиска ва узун қирғич, белкурак, хокандоз, челак ёки тоғора даркордир. Қуёнхонани тозалаш учун ертароқ, гўнг соладиган катта курак, гўнг чиқариш учун махсус идиш ёки кути ўрнатилган аравача ва дағал супутки керак бўлади.

6.2. Қишга ем тайёрлаш усуллари

Авваламбор қуённи юқори сифатли пичан билан таъминлаш зарур. Ёзда ўриб бериладиган майсанинг бир қисмидан пичан тайёрланади.

Яхши пичан бедадан тайёрланади. Қуён шувокни ҳам яхши истеъмол қилади, бироқ уни пичанга аралаштириб оз-оздан берган маъқулдир.

Қуёш нури билан қуритилган майса тўйимлилик хусусиятини йўқотади шу боис у сояда баланд ёғоч девор, ётқизилган ходалар ёки тахталар устида қурилади. Бунда пичан шамоллаб тез қурийд. Пичанни чордоқка чиқариб тахлаш мобайнида унга туз сепиб борилади. Туз пичаннинг қуримай қолган жойларини бузилишдан асрайди.

Қичитқи ўтқи (газандани) кўпроқ тайёрлаган маъкул. У қуригач, бир қисми тутам қилиб боғланиб осиб қўйилади, иккинчи қисми эса майдалаб чопилиб, қопга солинганича сақланади ва комбикормга ёки бойитилган бошқа емларга қўшиб берилади. Ёз ойларида тол, заранг, жўка, четан новдаларининг боғламларини кўпроқ тайёрлаш керак. Четан мевалари билан бирга қуритилгани маъкул.

Ҳажми катта ертўла жиҳозлаб, унда қарам ва илдизмевалар сақлаш лозим. Томорқани ўташ жараёнида чиққан ёввойи ўтларни ташлаб юбориш ярамайди. Шўра (олабўта), бўзтикан, печак (чирмовик), буғдойик, ихрож каби ёввойи ўтларни пичанбоп қилиб қуритмоқ лозим. Сабзавот барглари ҳам қуришиб тайёрланади. Қуён қишда картошка палаги, шунингдек саримсоқ пиёз, укроб, кашнич кабиларнинг қуритилган барг ва пояларини иштаҳа билан истеъмол қилади. Нам ҳолатда қуритилган ерқалампир, кунгабоқар ва ровоч япроқларини ҳам яхши ёйди.

Кузда олма, гилос, қорағат шохларини кесар экансиз қуёнга беринг. Жонивор бу новдаларни деярли батамом еб битиради. Меваси териб олинган хўжағат ҳам боғлаб қурилади. У ҳам жуда яхши ем ҳисобланади. Боғдаги ертутга ишлов берилганида ҳам чиқиндиларини пичан сифатида қуритса бўлади. Экинзордаги 1-2 эгатга бўрилуккак, маккажўхори, ровоч каби мўл кўк ем берадиган экинлар экин. Бўрилуккакнинг янги ювилган илдизлари, меваси, поя ва барглари яхши ем бўлади.

Тарвуз, қовун, ошқовоқ пўчоқлари ҳам яхши истеъмол қилинади. Картошка пўчоқлари ҳам яхши ем бўлиб, моғорламаслиги учун қуришиб қўйилади.

Тухум пўчоғи ҳам қуририлиб эзилади ва оз-оздан емга қўшиб берилади. У бўр ўрнини боса олади.

Суяк ҳам ортиқча эмас. Печкада оппоқ бўлиб қолганига қадар яхшилаб қуйдирилиб, ун даражасига қадар туйиб юборилади ва емга қўшиб берилади.

6.3. Насл берувчи ёш қуёнларни боқиш

Қуёнларнинг насли айнимаслиги, жуссалари кичрайиб, ташқи қиёфаси бузилмаслиги учун келгусида насл олинадиган жониворлар муттасил саралаб борилади. 1,5-2 ойлик қуёнчаларни онасидан ажратиб олиш мобайнида энг йирик, танаси тўғри ривожланган, ташқи кўринишига кўра тегишли зотга хос аломатларга эга, табиати шўх ва иштаҳаси яхши қуёнчалар сараланади.

Қулоқларининг узунлигига алоҳида эътибор беринг. Узун қулоқлар — қуённинг йирик бўлиб улғайишидан далолатдир. Қолбуки бунинг учун унга тегишли шароитлар яратиш, яъни таркибига барча зарурий модда ва микроэлементлар киритилган турли-туман ем билан боқиш, эркин ҳаракатланиши учун етарлича майдон ажратиш зарур бўлади.

Тор катакда қуённинг ҳаракати чекланиб қолади. Насл берувчи ёш қуёнларни жинсий балоғатга (урғочи қуён 4-5, эркаклар 5-7 ойгача) етганларига қадар кенг

катак ёки ўралган майдонларда, урғочиларни эркаклардан ажратган тарзда, ҳар бири 2-3 бош қуёнлардан ташкил топган кичик гуруҳларга тақсимлаб боқиш маъқулдир.

Йилнинг ҳар қандай ойида насл берадиган ёш қуёнларни ўралган яйловда ёки қуёнхонанинг ўзида сайил қилиш имконини яратган тарзда боқиш зарур. Бундай қуёнларни “бадантарбия” билан жадал шуғулланиш, сакраш ва чўзилишга мажбур этиш ҳам мумкин. Бунинг учун ўралган майдон ёки катакка майса, сабзи каби ем боғлари шундай осиб қўйиладики, токи қуён уларга фақат икки оёқда тик турган ҳолда чўзилиб, сакраб ета олсин.

Эрта баҳорда, ҳали экин экилмаган кезларда, насл берувчи ёш қуёнлар томорқага чиқарилса фойдадан холи бўлмайди. Бу амал эҳтиёткорона, аста-секинлик билан, хуркитиб юборадиган ҳеч нарса содир бўлмаслигини кузатиб турган ҳолда бажарилади. Акс ҳолда қуёнлар ҳар томон тум-тарақай қочиб, топилиши қийин кечади.

Ҳаракат эркинлиги қуёнга қанчалик ижобий таъсир кўрсатишига амалда ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бир вақтда туғилган қуёнчаларни икки гуруҳга бўлинг. Гуруҳлардан бирини оддий катакка қамаб, иккинчисини эса эркин ҳаракатланиш имкони яратилган шароитда боқинг. Шунда иккинчи гуруҳ таркибига айириб олинган қуёнлар “кун сайин эмас, соат сайин” улғайиб бораётганини кўрасиз.

Бироқ, бундай кенг жойни қаердан топса бўлади? Қуёнхонанинг ўзида. Қуёнхонанинг катаклардан бўш деворларига пичан ва майса учун тўр охурлар, қуруқ ва ширадор емлар солинадиган теганалар, сувдонлар ҳамда дам олиш ва ухлашлари учун ердан 40-50 см баландликда қутилар ўрнатиш лозим. Эркак қуёнлар урғочилар олдига яқин келишларига йўл қўймаслик учун қуёнхона, панжара ёки тўр билан бўлинади. Қуёнларнинг бундай боқилиши қуёнхонани озода тутиш бўйича ортиқча меҳнат талаб этади, албатта. Бироқ, қуёнларнинг яхши ривожланиб, йирик, соғлом ва юқори маҳсулдор насл берадиган тарзда улғайиши – меҳнатингиз самараси бўлади.

6.4. Бўрдоқига боқиш

Бўрдоқига боқиш – фақат емлаш деган маънони англатмайди. Емлаш билан қуённинг меъёрий ўсиш ва ривожланишига, бўрдоқига боқиш билан эса вазнининг ортиши, семириши, тери остидаги ёки ички ёғларнинг йиғилиши, гўшт таъмининг яхшиланиши ва мўйна сифатининг яхшиланишига эришилади. Қуённи бўрдоқига боқиш вақти, уни сўйишдан 6 ҳафта олдин бошланиши лозим.

Бўрдоқига қўйилган қуёнларнинг битта гуруҳи 4-6 бошдан ортмаслиги лозим. Агар катаклар етишмаётган бўлса мавжуд хоналарнинг барчаси шу мақсадга вақтинча мослаштирилади.

Гуруҳлар бир хилда ривожланган қуёнлардан ташкил топиши лозим, акс ҳолда кучлилар кучсизларни ердан нари ҳайдаб, етарлича семиришларига имкон бермайдилар.

Қуёнларнинг ёшига кўра ва мавсумий тулаш жараёнини ҳам ҳисобга олиш, яъни ушбу жараён сўйиш фурсати келганида батамом якунланадиган қуёнларни бўрдоқига қўйиш лозим. Ёш қуёнларни сўйиш фурсати 4,5 ёки 7,5 ойга тўлиш вақтига тўғри келиши керак.

Ноябрдан февралга қадар бўлган вақт — куён сўйиладиган энг самарали мавсумдир. Негаки йилнинг айна совуқ кезларида куёнлар мўйнаси қалин, пишиқ ва ялтироқ бўлади. Бу жониворлар физиологиясининг ўзига хос хусусиятлари ва шу вақтдаги ем таркибида юқори оксилли емлар устувор бўлиши билан боғлиқдир.

Ёш куён сўйиладиган энг махсулдор давр, у 4,5 ойга тўладиган вақтга тўғри келади. Куённинг ушбу вақтда семириши бир озуқа бирлигини истеъмол қилганида вазнига 25-30 гр вазн қўшилиши билан кечади, келгусида эса ушбу кўрсаткич 10-5 гр га қадар тушиб кетади.

Бўрдоқига боқиш даври — ҳар бири икки ҳафтадан давом этадиган учта шартли босқичдан иборат бўлади.

Биринчи босқичда кучли бойитилган емлар улуши умумий ем таркибининг 50% га тенглаштирилади.

Иккинчи босқичда ёғ тўпланишига омил бўладиган маккажўхори, нўхат, арпа, сули, картошка каби емлар билан боқилади. Буларнинг бари димланиб, суяк уни, туз, чопилган кичитқи ўт (газанда) қўшилиб ярим қуруқ атала тайёрланади. Ушбу аралашмага бақатўн қўшиб берилса мақсадга мувофиқ иш бўлади. Уни кузда секин оқадиган ва туриб қолган сув ҳавзаларидан олиб етарлича тайёрлаб олса бўлади.

Учинчи, яъни бўрдоқига боқишнинг якуний босқичида пичан, укроп, кашнич каби ошқўқлар қўшиб берилади. Бўрдоқига боқиш даврида емни тўла истеъмол қилиб юборишлари учун биров шўрроқ сув билан суғорилса иштаҳалари яхши очилади. Бўрдоқига боқишнинг сўнгги палласида куёнлар кам ҳаракатчан бўлиб қолишиб, емга қизиқишлари батамом сўнади. Бу ҳолат уларнинг етилганлик аломатидир. Яхши семирган куённинг курак ва оёқлари ораси ҳамда ёғ қатлами орасида аранг кўринадиган буйрак соҳаси кўп ёғ босади.

7. КЎПАЙТИРИШ

Куён бошини кўпайтириш учун яхши ривожланган 4-5 ойга тўлган соғлом урғочи ва 6-7 ойлик эркак куён танлаб олинади. Урғочилар сони 2-3 бош бўлгани маъқул. Катта ёшдаги урғочига ёш, ёш урғочига эса ёши улуғроқ эркак куён қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Урчитишдан 2 ҳафта олдин куён емига кўпроқ витаминга бойитилган ва минералларга тўйинтирилган емлар қўшиб берилади. Бу вақт давомида эркак куён қайнатилган картошка, димланган сули (ёки бошқа дон) аралаштирилиб тайёрланган ем билан боқилади. Эркак куён катаги астойдил тозаланади, охур ва сувдонлар олиб қўйилади. Шундан сўнггина унинг катагига урғочи куён киритилади (негаки эркак куён бегона катакка узоқ мослашади).

Урғочи куённинг уруғланишга тайёр эканлиги жинсий аъзосининг ҳолатига кўра аниқланади. Урчишга тайёр урғочи куённинг аъзосига кўп қон қуйилиши сабабли шишиб, тўқ қизил тус олади. Бундай урғочи ўзига эркак куённи ҳеч қаршиликсиз яқинлатади. Урчишга тайёр бўлмаган урғочи эса ўзини бурчакларга уриб, эркакдан нари қочади ва ҳатто ҳамла ҳам қилади.

Эркак куённинг шайлиги эса урғочига нисбатан ортиқча “мулозамати” билан билинади. Айна пайтда у жағи ва томоғи билан урғочига ва катак қисмларига ишқаланади. Хўжайинлик ҳукуқини такрор таъкидлаётганини намоён этганча,

кескин сакраб, пешоби билан катак худудини белгилай бошлайди.

Қочирилган урғочи катакдан чиқариб олиниб, бир соатдан кейин такрор киритилади. 5-6 кундан сўнг урғочи қуён урчиган ёки урчимаганлигини текшириб қўриш лозим. Бунинг учун у эркак қуён катагига яна бир бор киритилади. Агар урғочи уруғланган бўлса эркак қуённи ўзига яқинлатмай, инграшга ўхшаш товуш чиқариб нари қочади.

Тажрибали қуёнбоқар қуён ҳомиладорлигининг ўрта даври, яъни ўн иккинчи, ўн бешинчи кунда ҳомила факти ва нечта бола туғишини 100% аниқ айтиб бера олади. Бунинг учун урғочи қуён текис жойга (катак поли, ўриндиқ ёки хонтахтага) ўтқизилиб (ёки тиззага олиниб) бармоқлар билан кескин ҳаракатларсиз, қорни пайпасланади. Ҳар бири ёнғокдай келадиган икки қатор жойлашган эмбрионлар аниқ сезилади. Бу вақтга келиб урғочи қуён имкон қадар безовта қилинмаслиги, катагида юқори сифатли ем, айтиқса янги сув мунтазам бўлишини кузатиб бориш лозим. Агар катакда сув бўлмаса, она қуён ўз болаларини бирорта қолдирмай еб қўяди. Бу ҳолат урғочи организмида ҳомиладорлик ва болалаш натижасида йўқотилган тўқималар таркибини тиклашга эҳтиёж бўлгани сабабли рўй беради.

7.1. Қуённинг болалаш

Урғочи болалашига бир ҳафта қолганида катагини обдон тозалаш, дезинфекциялаш ёки олов лампа билан ишлов бериш ва кўпроқ тўшама киритиб қўйиш лозим. Бир маротаба ишлатилган ёки ифлос тўшамалар катак ичидан чиқариб ташланади. Ёнг яхши тўшама – сабзавот қадоқлашда қўлланиладиган пайраҳадир. Катак туғруқхонасидаги полга ётқизилган пол-панжара олиб қўйилади ёки ағдариб ётқизилади. Ушбу бўлим остонасига эшик очилганида қуёнчалар пастга қулаб тушмаслиги учун эни 20-30 см келадиган тахта ёки фанера ўрнатилиб тўсилади. Тўшамани туғруқхонага тўшаган маъқул.

Болалашидан тахминан бир ҳафта олдин урғочи оғзига тўшама тўлдириб олганча уя тайёрлашга киришади. Ушбу инстинкт урғочида шу қадар ривожланганки, агар катакда тўшама етарли бўлмаса, у ҳатто охурдаги майса ва пичандан ҳам фойдаланишга мажбур бўлади. Болалашига бир сутка баъзан эса бир неча соат қолганида биқин ва қорин соҳасидаги момикларини юлиб, уяга тўшай бошлайди. Урғочи болалаётган пайтда ва болалаганидан сўнг дастлабки бир неча кун давомида қуёнхона ичида ва унинг яқинида шовқин солиш, тарақлатиш мумкин эмас. Катак олдига имкон қадар камроқ яқинлашишга ҳаракат қилинг. Заруратсиз уяга тегманг. Бироқ болалаган куни уяни текшириш ва ўлик туғилган қуёнчаларни олиб ташлаш зарур бўлади.

Вазни 40-60 гр қуёнчалар қип-яланғоч, кўзлари юмук ҳолатда туғилади. Онасининг эмизгичларига таначаларидаги барча мушакларини қисқартириш эвазига сакраб етиб борадилар. Уяга қўл тиқиб, безовта қилинганларида чигиртка каби чийиллаб, чапиллаб сакрашларини кузатиш мумкин. Қуёнчаларни онасидан 45 кундан сўнг ажратмоқ маъқулдир. Эрта ажратилган қуён боласи суст ривожланиб, касалликка тез чалинади. Агар насл олинадиган қуён етиштириш ниятида бўлсангиз қуёнчаларни онасидан 2 ойгача ажратманг. Болалаган она қуён зўр бериб кўп сув ичади. Агар бирор-бир сабабга кўра катакда сув бўлмай қолса – болаларини ейди.

Ёши, зоти, ҳолати ва ўз хусусиятларига кўра урғочи 1 дан 20 тагача бола туғиши мумкин. Биринчи бор болалаган урғочининг болалари камроқ бўлиб, вақт ўтган сари сони ортиб бораверади. Аммо 3-4 йилдан сўнг бола сони яна камайиб кетади. Бундай урғочи куёндан насл олишни тўхтатиш, уни ёш урғочига алмаштириш лозим. Урғочи берадиган бола сони унинг сутлилиги, болаларини улғайтириш қобиляти, шунингдек соғлиги, семизлиги, боқиш, парваришлаш ва овқатланиш шароитига боғлиқдир. Тўйдириб, айниқса кўк майсалар билан яхши боқилган куён серпушт бўлади. Шунинг учун урғочиларни кўк ва ширадор емлар мўл бўлган баҳор ва ёз ойларида болалатиш мақсадга мувофиқдир. Урғочининг туғиш жараёни йилнинг июль-август ойларида тўхтатилади. Шу даврда туғилган куёнлар декабрь-январь ойларида (сўйиш учун самарали фурсат) яхши семириб етарлича вазнга олади.

7.2. Урғочи куённинг болалашини тиғизлаш ва нимтиғизлаш

Болалатишни тиғизлаш тушунчаси – болалаган она куённи 2-3 кун ичида такрор урчитишни, яъни ҳомиласининг ривожланишига зиён етказмасликни ёки янги туғилган болаларини эмиздиришда давом эттиришни англатади.

Бундай урғочининг болалари, у такрор урчитилганидан сўнг 28 кун ўтгач, ажратиб олинади.

Болалатишни нимтиғизлаш тушунчаси – она куённи болалаганидан кейин 10-15 кун давомида такрор урчитиш, болаларини эса урғочи урчитилганидан сўнг 35-40 кун ўтгач ажратиб олиш лозимлигини англатади.

Куёнчалар ажратиб олинганидан сўнг катак ичи обдон тозаланиб, дезинфекцияланади ва янги тўшама киритилади.

Болалатишни йил давомида тинимсиз ўтказишнинг иложи йўқ. Негаки урғочи куённинг силласи қуриб, ҳолдан тойиши, ҳатто ҳалок бўлиши ҳам мумкин. Одатда бу амал ширадор ва арзон ем-хашаклар мўл-кўл бўлган ёз ойларида ўтказилади. Куёнларнинг умумий сонини кўпайтириш учун ёш урғочи бир ёки икки маротаба урчитилади. Мисол учун тўдада март, апрель ва май ойларида туғилган урғочилар бўлса, уларни тегишлича июнь, июль ва август ойларида урчитиш, натижада июль, август ва сентябрь ойларида бола олиш ва бу болаларни йилнинг сўнгида ёки келаси йилнинг бошида гўштга топшириш мумкин.

Кам болали (5-6 бош) уялардаги куёнчалар, одатда, етарлича йирик туғилиб, кўп болали (12-16 бош) оиладагиларга нисбатан тез улғайишади.

Она куённинг сутлилиги юқори бўлганда ҳам бундай фарқ яққол кўзга ташланади. Негаки бирининг сути 6 бош бола орасида тақсимланса иккинчисининг сутини 16 бош бола сўриб олади. Шу боис куёнбоқарлар уялардаги куёнчалар сонини тенглаштириб борадилар. Агар 2-3 кун ичида бир нечта урғочи болалаган бўлиб, уяларидаги болаларининг сони бир-бириникидан кескин фарқ қилса, урғочининг сутлилигини инобатга олган ҳолда, болаларининг сони тенглаштириб қўйилади, яъни кўп болали уядаги куёнчаларнинг бир қисми кам болали уяга қўшиб қўйилади.

Бу амал жуда эҳтиёткорона бажарилиши лозим. Зеро куённинг ҳид ажратиш қобиляти ниҳоятда кучли ривожланган бўлиб, уясига қўшиб қўйилган куёнчаларни ҳам, ўз болаларини ҳам нобуд қилиб юбориши мумкин.

Она куён уясига бегона куёнчаларни қўшиб қўйиш учун она куённи

овқатланиш бўлимига чорлаб, шу ерга камаб қўйиш, қўлни хўжалик совуни билан обдон ювиш, сўнг қўлни бола олинаётган катакка имкон қадар камроқ теккизиб, қуёнчаларнинг зарурий сонини чиқариб олиш, уларнинг таналарини онасининг момиқларидан тозалаб, бирор-бир ҳидсиз тоза қутига солиш, хиди қўлингизга ўтиши учун ўгай она ва болаларини аста силаб пайпаслаш ва шундан сўнггина ўгай болаларни уя ичидаги болалар орасига (ўртасига) қўшиб қўйиш керак.

1-1,5 соат ўтгач она қуёнга ўз уясига кириш учун имкон беринг. У шу заҳоти болаларини эмиздиришга ошиқади. Агар биринчи эмиздиришдаёқ у ўзини босик тутса, демак ишлар ёмон эмас, яъни асрандилар оилага қабул қилинди деб айтса бўлади.

Худди шу усулни онаси бирор-бир сабаб билан ҳалок бўлган ёки эмиздира олмайдиган қуёнчаларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Ёдда тутинг! “Ўгай” болалар сони “қонуний” болалар сонидан ортиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда бегона ҳид устун келиб она қуённинг тажовузкорлик ҳиссиётини қўзғатиб қўйиш мумкин.

Қуёнчаларни ўгай она уясига хавфсиз қўшиб қўйиш учун қўлингизга укроб, шўра ёки ўткир хидли бошқа кўкатни обдон ишқалаб, она қуён тумшуғи ва болаларига суртиб чиқинг. Кучли ҳид билан чалғитилган урғочи бегона болалар ҳидини фарқлай олмайди.

7.3. Қуённи қишда болалатиш

Кенг ва шинам қуёнхона, қулай катаклар, пичан ва ем-хашакнинг етарлича захираси бўлса, қиш ойларида ҳам қуёнчаларга эга бўлиш мумкин. Қишда туғилган болалар яхши ривожланадилар, ёзда туғилган қариндошларига нисбатан касалликка кам чалинишлари боис пишиқроқ бўладилар.

Қуённи қишда болалатишга тайёргарлик янада астойдил бўлиши, катак туғруқхонасининг поли ва ички деворлари иссиқ тутувчи материал билан қопланиши лозим.


Бунинг учун узунлиги 90-100 см, йўғонлиги 8-10 мм келадиган тол новдалари ёки металл чивиклар ёхуд фанера тилимларини тайёрлаб, уларни ёй каби букиш, учларини туғруқхона полига ётқизилган пол-панжара рейкаларига ҳар 5-10 см ораликда тираб ишончли ўрнатиш лозим. Ҳосил бўлган арка устига сомон тўшак ташланади. Кириш эшиги ҳам иссиқ сақловчи материал билан қопланади. Арка ичига эса қалин тўшама солинади. Натижада бундай катакнинг чайласи ичидаги иссиқ қишнинг аёз кунларида ҳам сақланиб қолади. Агар ҳаво ҳарорати – 20⁰С га қадар тушиб кетиши кутилаётган бўлса, янги туғилган қуёнчаларни асраш учун қўшимча чоралар кўриш лозим. Бунинг учун кўп йиллар синовидан ишончли ўтган **сунъий уя** деб аталган усул мавжуд (15- расм).

Ерга атайин қазилган хандакнинг деворлари юпка тахта ёки шифер билан мустаҳкамланиб, ичига туғруқхона учун мўлжалланган яшик жойлаштирилади. Яшик атрофига эса керамзит, шиша-пахта, қипиқ ёки сомон тўшакка ўхшаш материал зич жойлаштирилиб иситилади ва хандак-уя устига қора қоғоз ташланиб, ёпилади.

Ушбу хандак-уя юқоридаги катак билан 18x18 см ли капантахадан тайёрланган қувур-сўқмоқ воситасида боғланади.

Қувур-сўқмоқнинг ички томонидаги қуйи тахта юзасига урғочининг

сўқмоқда юришини осонлаштириш учун 10x20 миллиметрли рейкалар қоқиб чиқилади. Катакни туғруқхона учун мўлжалланган хандақ-уя билан боғлаб турувчи қувур-сўқмоқ 30-45° бурчак ҳосил қилинган тарзда маҳкамланади. Урғочи бундай сунъий уя ичида безовта бўлмай болалайди. Ҳатто қаҳратон совуқ кунларда ҳам уя ичида ҳарорат мусбат сақланиб қолади. Ёз жазирамасида эса салкин бўлиб, қуёнчаларни қуёшнинг салбий таъсиридан сақлайди.



15- расм. Сунъий уяли катак: 1- йўлак; 2- чуқур ичидаги она қуён қутиси; 3- иситувчи материал

8. ҚУЁННИ БИЧИШ

Ёш қуёнлар ажратиб олинаятганида битта катак ёки ўралган майдончага ёши тенг, бир маромда ривожланаётган, бир жинсли қуёнлар жойлаштирилади. Бу билан жониворлар орасида тез-тез рўй берадиган урушлар ва оқибатда мўйналари бузилишининг олди олинади.

Қуёнлар гуруҳларга бўлиб боқилса ҳам улар орасида, айниқса эркак қуёнлар орасида олишиш ҳоллари тез-тез юз беради. Оқибатда мўйналарида яра-чандик (тиш) излари қолади. Қабул пунктларида бундай мўйналар, чандиклар сонига қараб, “нуқсонли” деб баҳоланиб, нархи туширилади.

Ўралган майдончаларга ажратилаётган ёш қуёнчаларнинг мўйналарини сифатли сақлаб қолиш учун олишишларига йўл қўймаслик зарур. Агар уришқоқ қуёнчалар ўз вақтида аниқланиб, айириб олинса, олишишларга барҳам берилади. Гуруҳларга бўлиниб боқилган қуёнлар аксарият ҳолларда тотув яшашади, шу боис иноқлашиб қолган гуруҳларни бир-биридан ажратмаслик ва уларнинг ораларига 3 ойдан катта бўлган жониворларни қўшмаслик мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда олишувлар янгидан бошланади.

Сўйиш учун боқилаётган эркак қуёнларни 3 ойга тўлганларида бичиб қўйган маъқул.

Бичишнинг энг маъқул усули – очик бичишдир. У шу қадар соддаки, ҳар қандай қуёнбоқар томонидан осон ўзлаштирилиши мумкин.

Бунинг учун бичиладиган қуён катаги астойдил тозаланади, шундан сўнг йод, пахта-тампон, ўткир скальпель ёки хавфсиз устара тайёрланади. Қуён киши белини тирнаб қўймаслиги учун қалинроқ кийим кийилади.

Ўриндикқа ўтириб, қуённи қўлингизга олиб тинчлантиринг. Шундан сўнг белини пастга қаратиб, чап қўлингиз билан тиззангизга шундай қисиб олинг-ки, токи қаршингизда унинг орқа оёқлари қолиб, боши белингиз ортига ўтиб қолсин.

Қуённи ушлаб турган қўлингиз бармоқлари билан уруғдонни орқа тешик йўналишида пайпаслаб, асоси яқинидан сиқиб олинг. Бўш қўлингиз билан эса йодда намланган тампон билан кесиладиган жойга ишлов беринг. Сўнгра дезинфекцияланган скальпель ёки хавфсиз устара тиғи билан уруғдонларни қоплаб турган терини эҳтиёткорона кесиб очингда, уруғдоннинг бирини чўзиб, уруғ юритувчи каналини кесиб юборинг. Сўнг шу амални иккинчи уруғдонда бажаринг.

Қуён тирноқлари билан кийимингизга илашиб олмаслигини кузатиб боринг, акс ҳолда у оғриқдан кучаниб, қорин бўшлиғи устидаги нозик пардаларини йиртиб қўйиши мумкин. Агар бундай ҳолат юз берса қуённи сўйишдан ўзга чорангиз қолмайди.

Уруғдонни чўзаётганингизда уни четга оғдириб тортманг, акс ҳолда тор каби таранг тортилиб кесиб юборилган уруғ юритувчи канал билан қуён қорнига шикаст етказасиз. Бунда ҳам қуёндан ажралишга тўғри келади. Бичилган қуён, юқорида айтилганидек астойдил тозаланган катакка киритилади. Агар тўшама солинган бўлса у тоза ва юмшоқ бўлиши керак. Ифлос ва қил аралашган тўшама жароҳатга тегиб, яранинг йиринглаб кетишига сабаб бўлади.

Эндигина бичилган қуён ем ва урғочига бўлган қизиқишини йўқотмаслиги муолажага осон чидашидан далолат беради. Муолажадан сўнг қуён ем ва сув билан етарлича таъминланиши лозим.

Сўйиш фурсатига етган бичилган қуён бичилмаган тенгдошларига нисбатан анчагина семиз, мўйнаси юмшоқ ва ялтироқ бўлади.

9. СЎЙИШ ВА ТЕРИГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ



Қуён яхши семиртирилиб сўйилса гўштининг вазни тирик вазнининг 60-65% қисмини ташкил этади. Ноябрь ойида қуёнларни саралаб сўйишга киришиш мумкин. Бунинг учун даставвал тери қуритишга мўлжалланган қолипларни тайёрлаб олиш керак (17- расм).

Қуёнларни саралаб сўйишга киришилаётганда уларнинг семизлиги ва мўйналарининг ҳолатига эътибор бериш керак. Қўл юнг ўсаётган томонга қарши юритилганда момик тўкилмаслиги, тери рангли бўлганида ҳам мўйнага пуфланганда бир текисда, тўқ доғларсиз кўриниши даркор.

Қуён куйидаги изчилликда сўйилади:

бир қўл билан орқа оёқларидан ушлаб кўтарилади, иккинчи қўл билан эса резина шланг кийдирилган металл таёқ билан бошининг орқасига кучли зарба берилиб, ҳаракатсизлантирилади (18- расм). Агар зарба етарлича кучли берилган бўлса, жониворнинг бурни ва қулоқларидан қон отилиб чиқиши керак, акс ҳолда зарбани такрорлаш ёки пичоқ учи билан қуён кўзларини ўйиб олиш ёки бурун тўсиғини кесиб ташлаш керак бўлади;

қон оқиб тўхтагач, орқа оёқлар 30 см га йирилиб, энсиз тахтага осиб

қўйилади, айна пайтда орқа оёқлари юқорига қилиб осилган қуённинг танаси (думи) елкаларингиз қаршисига тўғри келиб қолиши керак;

ерга, тана остига сувқоғоз тўшалиб, ички органлар ва чиқиндилар учун тоғора қўйилади;

ўткир пичоқ билан (бири тери шилиш, иккинчиси гўшт нимталаш учун иккита пичоқ бўлгани маъқул) аввал оёқларнинг сакратувчи бўғинлари айланаси кесилади, сўнгра ушбу айланалардан бошлаб орқа тешик томон чот териси кесилади;

шундан сўнг тери, бош ва кўрсаткич бармоқлар билан тортилиб, эҳтиёткорона шилиб олинади;

тери оёқлар ва дум устидан ажратилгач, гўё пайпоқ ечилгани каби танадан шилиб олинади;

пичоқ билан мулоқот қилишда, айниқса олдинги оёқлар яқинига етиб келганда эҳтиёт бўлиш керак, акс ҳолда тери кесилиб, нави пасаяди;

тажрибали қуёнбоқар пичоқдан фақат оёқлар ва бош устидан терини ажратиш мобайнидагина фойдаланиладилар;

олдинги оёқлар териси шилиб олингач, бошдаги терини шилиб олишга ҳалал бермаслиги учун юқорига тортиб қўйилади;

кулоқларга яқин қолганда уларнинг тоғайи қирқилади ва иш давом эттирилади;


кулоқ тоғайлари кесиб ташлангач, шилиб олинган тери қолипга тортиб кийдирилади. Айна пайтда терини қолипга жуда таранг тортишга интилманг, акс ҳолда мўйна йиртилиб кетиши мумкин;

тери қолипга кийдирилган ҳолатда ишончли туриши учун орқа оёқлар терисининг учи йирилиб, қолипга боғланади ва қуриши учун осиб қўйилади;

шундан сўнг танани нимталашга киришилади;

даставвал олдинги оёқлар тирсаклари сўнгра бош кесилади.

Агар қуён гўшти савдо муассасаларига топширилиши режалаштирилган бўлса боши билан орқа оёқлардан бири кесилмайди.



17- расм. Териларни қуриштиш учун мўлжалланган қолиплар: 1- мосланувчи; 2- энсиз тахталардан тайёрланган санчқисимон; 3- яхлит тахтадан (териларни мойсизлаштириш учун қўлланилади; 4- дарахтлар ва буталар айларида тайёрланадиган қолип; 5-қолипга кийдирилган тери



18- расм. Қуёни ҳаракатсизлантириш техникаси



19- расм. Қуён терисини шилиш техникаси:
а- узук чизиклар билан тери кесиладиган жойлар кўрсатилган; б- терини шилиш; в- яхлит тахтадан тайёрланган қолпда терини мойсизлаштириш



Рекс қуёнининг мўйнаси

10. ЯНГИ ЗОТЛАР ЧИҚАРИШ, ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ

Қуёнлар бошини кўпайтириш билан бирга, зотлар сифатини яхшилашга ҳам қарор қилинган бўлса, ушбу амаллар аниқ режалаштирилиб, таҳлил қилиб борилиши даркор. Акс ҳолда бундай иш ижроси мураккаб кечади. Негаки янги зот яратиш ишлари бир неча йил давомида амалга оширилади ва шу боис, қуён тўдаси ҳақидаги маълумотларнинг барчасини ёдда сақлаб бўлмайди. Бундан ташқари қуёнлар, айниқса битта зотга мансуб ва бир вақтда туғилган қуёнлар бир-бирига шу қадар ўхшаш бўладикки, уларни фарқлаб олиш жуда мушкул.

Бир уяда туғилиб ўсган урғочи ва эркак қуёнларни адаштириб, қочириб қўйиш каби хатоликларга йўл қўйиш эҳтимоллиги ҳам катта бўлади.

Зикр этилган ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида тегишли ёзувлар юритиш ва тамғалар босиш амаллари бажарилади. Бунинг учун махсус ҳисоб юритиш журналли керак бўлиб, унга қуён зоти, ёши, жинси, мўйнасининг ранги, тирик

вазни каби маълумотлар киритилади.


Барча катак, сувдон, охур ва теганалар ҳам рақамлар билан тамғаланади. Бу билан касаллик қўзғатувчи вирусларнинг бир катакдан иккинчисига ўтишига барҳам берилади.

Куёнлар, айниқса насл олинадиган куёнлар албатта тамғаланади. Бу амални бажариш қийин кечмайди. Куён кулоқларининг учларига яқин ички томонига хавфсиз устара тиғи билан тартиб рақами ва туғилган вақтига оид ёзув кесилиб, устидан қора тушь тампон воситасида ишқалаб юборилади (20- расм).

Эркак куённинг ўнг, урғочи куённинг чап кулоғи тамғаланади. Шундай қилсангиз қаршингиздаги куён эркак ёки урғочи эканлигини аниқ биласиз. Бундай тамға куён кулоғида умрининг охиригача сақланиб қолади.

Тамғаларга доир маълумотлар юритилаётган журналга киритиб борилади. Урғочи урчитилган сана, урчитган эркак куённинг рақами, урғочи болалаган сана, туғилган куёнчалар сони, ранги ҳақидаги маълумотлар ҳам ушбу журналга киритилади. Куён вазни ҳар ойда тортилиб, журналга ёзиб борилади. Сарфланган ем ҳисоби ҳам журналга киритилади.

Ёш куёнлар диққат билан кузатиб борилади. Мўйнаси зотига хос рангларга бурканган энг йирик куёнчалар насл олиш учун саралаб олинади.



20- расм. Куённи тамғалаш

Аломатларига кўра энг сара куёнларни аниқлаш амали **бонитировка** деб аталади

Зотни тоза ҳолида сақлаб қолишни истасангиз ёдингизда бўлсин: **зоти чатиш** (турли зотларни чатиштириш натижасида туғилган) **куённи насл олиш учун қолдирманг. Яқин қариндош** бўлган **куёнларнинг ўзаро чатишишларига** ҳам **йўл қўйиб бўлмайди**, акс ҳолда жонивор зоти, киёфаси ва мўйнасининг ранг олиши бузилади.

Насли чатишган куён чидамли, бақувват бўлиб ота-онасининг яхши сифатларини мерос олади, аммо унинг бу хусусиятлари авлодига ўтмайди.

Аксарият куёнбоқарларнинг кўп йиллик тажрибаси билан икки ва уч зотли чатиштиришлар орқали яхши натижаларга эришилган зотлар олинди (уч зотли чатиштириш – икки зотга мансуб куённи чатиштириш натижасида туғилган жониворларни бирор-бир учинчи зот билан чатиштириш демак).

Кул ранг ва оқ великанларни совет шиншилласи билан, қора-қўнғирни кул ранг великан билан, кумуш рангни кул ранг ва оқ великанлар билан чатиштирилганда яхши натижаларга эришилади.

Аралаш оилаларда куёнчалар ота-оналарининг аломатлари билан сон жиҳатдан деярли тенг туғилади.

Баъзан куёнчалар турли зотларга мансуб ота-оналарининг аломатларини бир вақтда мерос оладилар. Жумладан, қора-қўнғир зотига мансуб куён оқ великан билан чатиштирилганда куёнчалари чавқар, яъни икки тусли мўйна (оқ мўйнасида қора доғлар) билан туғилиб, бозорда уларни “капалак” деб кўрсатишга уриниш ҳоллари тез-тез учраб туради.

Момиқли куённи меъёрий мўйнали куён билан чатиштириш ярамайди.


Бунинг натижаси, одатда, самарасиз бўлиб, зотнинг буткул айниб кетиши билан якун топади.

11. КАТАКЛАРНИ ТОЗАЛАШ ВА САНИТАР ИШЛОВ БЕРИШ

Қуёнхона ва катакларни йиғилиб қолган тезак, ем қолдиқлари ва тўшамалардан муттасил тозалаб бориш лозим. Бунинг учун қирғич (21- расм), дағал чўтка, супурги, курак, кетмонча, челак ва қути каби махсус асбоб-ускунага эга бўлиш даркор.

Металл қирғич ёрдамида катак полига ётқизилган пол-панжара тозаланади. Қулай бўлиши учун аравача устига ўрнатилиб, катак остига келтирилган қути ёки чўзиқ тоғора ичига тезак, ифлос ем қолдиқлари ва тўшамалар тортиб туширилади.


Шундан сўнг пол устига ётқизилган пол-панжара кўтарилиб ёки катак ичидан умуман чиқариб олиниб, остида тўпланган тезак тортиб туширилади. Бу ишлар бажарилаётганида қуёнлар ҳалақит бермаслиги учун кўшни бўлимга ҳайдаб чиқарилиб, туйнук оғзи ҳаракатчан фанера воситасида ёпиб қўйилади. Шу тарзда барча катаклар тозалангач, қуёнхона поли тоза супурилади.




21- расм. Катакларни ва пол устига ётқизиладиган панжарани тозалаш учун мўлжалланган қирғич

Катакни тезакдан тозалаш ишларини тезлатиш учун пол устига ётқизиладиган пол-панжара остига тунука, тахта ва фанерадан тайёрланган таглик ўрнатиш мумкин (22- расм). Тезак панжара орасидан ушбу таглик устига туширилади. Агар таглик ёғочдан тайёрланган бўлса тахталарнинг шишиб, фанералар қатламлари ажралиб кетмаслиги учун полиэтилен сувқоғоз билан қопланади.

Даставвал катак панжараси тозаланиб, сўнгра таглик тортиб чиқарилади ва унда тўпланган тезак арава устидаги қутига ёки девордаги туйнук орқали ташқарига ўрнатилган яшик ичига тўкилади.




22 – расм. Катак асоси



23- расм. Катта қуёнлар учун икки ўринли катак
(уя учун мўлжалланган бўлим билан биргаликда)
1- уя бўлимининг эшиги; 2- таянч-устун; 3- тўр эшик;
4- қайтарма сувдон; 5- дағал ем учун охур; 6- қайтарма охур;
7- охур ўқи



24- расм. Тўр билан ўралган майдонга эга
икки ўринли катак



25- расм. Онасидан ажратиб олинган ёш
қуёнчалар гуруҳи учун мўлжалланган катак

Йилда икки маротаба, айниқса ёғингарчилик кўп бўладиган ойларда (куз ва баҳор фаслларида) катаклар дезинфекцияланади. Дезинфекция тадбирлари турли усулда ўтказилади.

Шахсий хўжаликларда қуёнхона, асбоб-ускуна ва катакларга оловли ишлов бериш усули энг содда ва самарали усул саналади. Бунинг учун оддий пайвандлаш лампаси ёки газ горелкаси қўлланилади. Катакнинг астойдил тозаланган ёғочларига оч қўнғир тус олганга қадар олов воситасида ишлов берилади. Айни пайтда барча **эҳтиёт чоралари** кўриб қўйилган бўлиши лозим, акс ҳолда мудҳиш ҳодиса рўй бериши мумкин. **Ёдда тутинг! Қуёнхона ичи ва яқинида тамаки чекманг.**

Кимёвий моддалардан хлорли оҳак кенг тарқалган. Ушбу модда 10% эритма кўринишида қўлланилиб, кенг чўтка ёки юмшоқ супурги ёрдамида қуёнхона деворлари, катаклар ва асбоб-ускунага сепиб қўлланилади.

Катак, асбоб-ускуна, охур ва сувдонларга қуён учун умуман зарарсиз, бироқ касаллик тарқатувчи микробларни деярли буткул йўқ қилувчи кул ишқори билан ҳам ишлов бериш мумкин. Бундай ишқорни тайёрлаш учун қайнаётган сувга ёнган ёғочдан ҳосил бўлган тоза кул (сув ҳажмига нисбатан 1/3 қисми) солиниб, 20-30 дақиқа қайнатилади. Сўнгра эритма 2-3 қават донадан ўтказилиб такрор қайнатилади ва иссиқ ҳолатида катаклар ва асбоб-ускунага сепилади.

Аксарият дезинфекцион моддаларни ветеринария дорихоналаридан харид қилиб олса бўлади.

Катаклар ва қуёнхона деворлари вақт-вақти билан янги куйдирилган оҳак билан оқлаб турилса фойдадан холи бўлмайди.

Ёғоч охурларга пайвандлаш лампасининг олови воситасида ишлов берилади, автотегана ва автосувдонларнинг металл, шиша ва сополдан тайёрланган қисмларини эса ювиб, обдон қайнатган маъкул.

Янги харид қилинган қуёнлар киритилиши, мавжуд жониворлар катакларга қайта тақсимлаб чиқилиши ва урғочиларнинг оммавий болалашидан олдин ҳамда юқумли касалликлар қўзғалган кезларда барча катаклар астойдил тозаланади.

Қуёнхона, асбоб-ускуна ва катакларга санитар ишлов бериш масаласига лоқайдлик билан қарашга йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда қўнғилсиз воқеа юз бериши мумкин. **Ёдда тутинг! Қуённинг касалини даволашдан кўра касалликнинг олдини олиш ҳам осон ва ҳам арзондир. Қуёнларни даволашга бир неча ой сарфлаш ўрнига санитар ишлов тадбирларига бир неча соат ажратмоқ афзалдир.**

Қуённинг касалланиши ва ўлимига сабаб бўлувчи кўплаб зарарли, касаллик қўзғатувчи микроблар ўз кучини бир неча ой давомида сақлаб туради. Қуёнхонага бир бор киритилиб даволанган касаллик, ҳаттоки жониворлар таркиби тўла алмаштирилган тақдирда ҳам такрор қўзғалиши мумкин.

Янги қуён харид қилар экансиз (айниқса бозорда, бегона қўлдан) уни қуёнларингиз орасига қўшишга асло ошиқманг. Карантин тариқасида уни бир ой давомида алоҳида боқинг. Соғлом эканлигига тўла ишонч ҳосил қилганингиздан сўнгина қуёнхонага киритишингиз мумкин.

Қуёнхона ва катакларнинг зах тортишига йўл қўйманг. Акс ҳолда зах стоматит (“хўл тумшук”), пастереллоз, стафилококкоз, кокцидиоз каби хавфли юқумли касалликларнинг қўзғалишига олиб келади.

Қуён, ўз табиатига кўра, покиза ҳайвонлар тоифасига мансуб жонивордир. У,

айниқса дам оладиган қоронғи хонасини озода тутати. Вақт ўтиб катакнинг муайян жойига ҳожат чиқаришни одат қилади. Қуёнлар ҳожатхона сифатида катакнинг орқа девори яқинидаги бурчаклардан бирини ёки энг баланд жойни танлашади. Модомики шундай экан, жониворларни тозалаш учун қулай бўлган жойда ҳожат чиқаришга одатлантириш осон кечади. Бунинг учун пол устига ётқизилган пол-панжаранинг керакли бурчаги (эшик яқинидаги бурчак қулайроқ) остига кичикроқ пона қўйилиб, кўтарилади ва у ерга қуён нажаси тортиб қўйилади. Бу ишингиз қуённи айна шу ерга ҳожат чиқаришга даъват этади. Бу иш қуён катагининг тоза тутилишига ва тозалаш ишларини енгиллатишга омил бўлади. Қуёнхона ва катаклардаги тозалик, намликнинг меъёрий даражада сақланиб борилиши, ёруғликнинг етарлича бўлиши ва тоза ҳаво – қуёнлар саломатлиги, яхши ривожланиши, кўпайиши қолаверса меҳнатларингиз унумдорлигининг гаровидир.

11.1. ДЕЗИНФЕКЦИЯ

Қуёнларда юқумли касалликлар кўзғатувчи микроорганизмларни (бактерия ва вирусларни) ташқи муҳитда физиологик, кимёвий ва биологик усуллар билан йўқотиш чоралари мажмуи – **дезинфекция** деб аталади.

Дезинфекциянинг қуйидаги турлари мавжуд:

профилактик дезинфекция (қуёнхона, катак, сув ва шу каби қуён боқишга дахлдор нарсаларнинг юқумсизлантирилиши);

кундалик дезинфекция (жониворлар атрофидаги буюмлар дезинфекцияси);

якуний дезинфекция (касал қуёндан халос бўлгандан сўнг у яшаган катакда ўтказилади).

Усулларнинг қўлланилиши:

физиологик усулда: тўйинган сув буғи, иссиқ ҳаво, ультрабинафша нурлардан ёки қайнатиш усулидан фойдаланилади;

кимёвий усулда: эритма, кукун ва газлар кўринишидаги дезинфекция моддалари қўлланилади, чангюткичлардан фойдаланилади.

Дезинфекция одатда санитар ишлов бериш жараёнида амалга оширилади.

Дезинфекция тадбирлари йилда 2 маротаба баҳор ва куз фаслларида шунингдек, хўжаликда юқумли касаллик вужудга келганида **ўтказилиши шарт**.

Дезинфекция тадбирларини ўтказишдан мақсад – касалликнинг таъсирли бошланишини зарарсизлантириш ёки барҳам бериш бўлиб, жониворлар сайр қиладиган яйловлар, гўнг йиғиладиган идишлар ва шу каби жойларни (жонивор тегадиган ташқи юза ва жисмлардан ташқари) зарарсизлантиришни кўзда тутати.

Дезинфекция амалларига киришишдан олдин асбоб-ускуна ва анжомлар ифлослик, чиқинди, момиқ, тўшама кабилардан тозаланади.

Қуёнхона деворлари ва полини дезинфекция қилиш мобайнида аксарият ҳолларда янги ивигилган оҳак суви ишлатилади. Катаклар ва қуёнхонанинг айрим ёғоч қисмларига формалин, креолин, ўткир натрий, лизол эритмалари билан ишлов берилади. Металл катаклар, уларнинг айрим қисмлари (аралаш материаллардан тайёрланган катакларнинг металл панжара ва поллари) пайвандлаш лампасининг олови билан қиздириб чиқилади.

Аэрозолли дезинфекция мобайнида (қуёнлар кўчириб ўтказилмаган ҳолларда) ҳар 1 м³ га 20 мг сут кислотаси, 20 мг водород пероксиди эритмалари

қўлланилиб, 20-30 дақиқа бардош бердирилади.

Дезинфекция воситаларини тайёрлаш усуллари:

2% ли формалин – 1 стакан формалин 1 челак совуқ сувда эритилади;

2% ли ўткир натрий – 200 гр модда 1 челак иссиқ сувда эритилади;

каустик (ўткир) сода – 200 гр сода 1 челак иссиқ сувда эритилади (санаб ўтилган дезинфекция воситаларининг 1 литри пол ва деворларнинг 1 м² га сарфланади);

кул суви (ишқори сув) – 2 кг ёғоч кули 1 челак иссиқ сувда эритилади, ушбу эритма 2 соат қайнатилгач тиндирилади, ушбу сув 4 челак сувда аралаштирилади ва такрор қайнатилади ва қайноқ ҳолатида қўлланилади.

хлорли оҳакнинг 1, 2 ва 5 % ли эритмаси – ёғоч анжомлар, катакларнинг ёғоч қисмлари ва ҳудудни дезинфекциялаш учун қўлланилади;

хлорамин Б – 1:10 нисбатдаги сув эритмаси.

Иситилган эритмалар (50-60⁰С) совуқ ҳолатига нисбатан самаралироқдир.

Жониворларни парваришлаш учун махсус халат ёки комбинезон ва пойабзалга, яхшиси резина пойафзалга (қишки пойафзалдан ташқари) эга бўлмоқ лозим. Ушбу кийим ва пойабзалларни вақти-вақти билан тозалаб дезинфекция қилиш шарт.

Қуёнхонага кираверишдаги бўсағага дезинфекцияловчи эритма билан намланган гиламча тўшаб қўйиш лозим.

11.2. Кемирувчи ва ҳашаротларга қарши кураш

Сичқон ва каламушлар – юқимли касалликларнинг асосий ташувчиларидир. Шунинг учун қуёнхона, ферма ва омборхоналарда уларнинг пайдо бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

Кемирувчиларнинг пайдо бўлишини олдини олиш мақсадида ёввойи ўт-алафни ўз вақтида ўтаб ташлаш, қуёнхона атрофидаги буталарни сийраклаштириш лозим. Ҳудуддаги чиқинди ва ахлатлар, эскириб кетган жиҳозлар, кераксиз асбобларни мунтазам чиқариб ташлаш ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади. Катаклар ўрнатилган қуёнхоналарни муттасил таъмирлаб бориш зарур. Алоҳида эътибор ема захираси сақланадиган омборга қаратилади.

Кемирувчилар еми бузиб, юқимли касалликларни тарқатибгина қолмай, балки қуёнчаларни ҳам еб кетишади. Уларнинг мавжудлиги катта ёшдаги жониворлар ҳолатига, айниқса урчиш ва эмиздириш даврида салбий таъсир кўрсатади. Она қуёнлар жонсарак ва сержаҳл бўлиб қолиб, ҳомила йўқотишлари мумкин. Хўжаликда кемирувчиларнинг пайдо бўлиши урғочиларнинг ўз болаларини еб қўйишларига сабаб бўлиши мумкин.

Кемирувчиларга қарши кураш учун кукун, ёпишқоқ масса, кўпик каби турлитуман воситалар ишлаб чиқилган. Кемирувчилар, заҳар билан ишлов берилган жойларда бўлиб ёки югуриб ўтиб оёқлари ва юнгида ушбу заҳар зарраларини илаштириб кетишади. Ювинаётган пайтда эса – ютиб юборишиб ҳалок бўлишади. Бундай тадбир **дератизация** деб аталади.

Дератизация – эпидемиологик ва эпизоотологик хавф туғдираётган ёки иқтисодий зарар етказаётган кемирувчиларни қириб ташлаш борасида ўтказиладиган тадбирлар мажмуаси.

Дератизация тадбирлари истиқомат қилиш учун мўлжалланган уйлар, чорва

моллари боқиладиган хоналар, ем тайёрлаш цехи, ғалла омбори, омборхона, боғ, дала, яйловда ўтказилади.

Хавф ва зарар кўпроқ синантроп кемирувчилар яъни кул ранг ва қора каламуш ҳамда хонаки сичқонлар томонидан келтирилади. Дератизация тадбирлари кемирувчилар кўпайишини олдини олиш ва қириб ташлаш турларига бўлинади.

Кемирувчилар кўпайишини олдини олиш дератизацияси уларни ем ва сувдан маҳрум этиш ҳамда уя тайёрлашга имкон бермасликка йўналтирилган. Бундай тадбирлар жумласига кемирувчиларнинг хоналарга кириб келишига тўсқинлик қилувчи қурилиш-техник тадбирлар ва теварак атрофда санитария қоидаларига риоя этиш амаллари киради.

Қириб ташлаш дератизацияси механик (қопқонлар), биологик (мушук ва ўсимликлар) ва кимёвий усулларда ўтказилади. Энг содда, самарали ва арзон усул бу ратикид захарларининг маълум бир миқдори билан захарланган сув ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўлланилишидир. Шунингдек антикоагулянтлар ҳам (1% зоокумарин, унинг натрий тузи, ушбу тузнинг 2% спирт-мойли эритмаси, ратиндан ва шу кабилар) қўлланилади.

Захарланган озиқ-овқат маҳсулотлари уй ҳайвонлари ета олмайдиган жойларга жойлаштирилади. Канализация коллекторлари ва ер ости коммуникацияларида 3-4 ой давомида таъсир кучига эга буғдойнинг парафинлаштирилган донлари қўлланилади.

Кемирувчига қарши захарли хўрак тайёрлаш учун *пенокумарин, зоокумарин, ратиндан, руҳ фосфиди, фторланган натрий* ва *денгиз қизил тиёзи* дан фойдаланилади.

1 кг захарланган комбикорм ёки ун тайёрлаш учун 20-30 гр ратиндан ёки зоокумарин ишлатилади. Ушбу моддалар сичқон ва каламушлар еми учун доимо аралаштирилиб борилган тарзда киритилади. Ушбу захарли аралашмага 20-30 гр шакар аралаштирилиши мумкин. Агар бошқа сув манбаи бўлмаса, кемирувчиларга қарши кураш учун захарланган сув ҳам яхши самара беради. Бундай сув зоокумариннинг 1% ли натрий тузидан тайёрланади. Унинг 5-7 мл ҳажмига 1 л сув қўшилади. Ушбу эритмага 10-15 гр шакар аралаштириб юбориш мумкин.

50-200 гр ли хўраклар хонаки ҳайвонлар ета олмайдиган жойларга, шох-шаббалар билан никобланган махсус теганалар ёки кемирувчини чорловчи қутилар ичига 2-3 кунга жойлаштирилади.

Аксарият ҳолларда захарланган хўрак учун асос сифатида буғдой дони, кунгабоқар уруғи, бўтқа, нон ушоқлари, гўшт ёки балиқ қиймаси, гўшт-суяк уни ва сут кукунидан фойдаланилади.

Захарли хўрак тайёрлаш мобайнида шахсий хавфсизлик қоидаларига риоя қилмоқ жуда муҳимдир. Бу борадаги ишлар учун алоҳида жой (стол), зарурий идиш ажратмоқ ва фақат резина қўлқопларда ва юзингизга докабоғ ўралган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Захарли дорилар хонаки ҳайвонлар юнгига ўтириб қолиши, баъзан эса уларнинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин, шу боис бундай воситалардан эҳтиёткорона, зоотехника мутахассисининг берган тавсияларига амал қилиб фойдаланган маъқулдир. Балки шунинг учун ҳам куёнбоқарлар кемирувчиларга қарши восита сифатида хўжалик моллари дўконига сотиладиган тузоқ ва

қопқонлардан фойдаланишни афзал кўрсалар керак.

Сичқонларни сут шишаси ёрдамида ҳам тутиш мумкин. Шиша кемирувчи уяси олдиға қўйилиб, бўғзига қатик суртилади. Шишани тафтиш қилаётган сичқон сирпаниб тубига тушиб кетади.

Кемирувчиларға қарши восита сифатида ун билан ганч (алебастр) аралашмасидан ҳам фойдаланилади. Ушбу аралашма ёниға сув қўйиб қўйилади. Аралашмага тўйиб олган сичқон ёки каламуш сув билан чанқовини бостиради. Ганчнинг кемирувчи ичакларидаги нарсалар ва ичган суви билан ўзаро таъсирида қотиб қолиши, натижада кемирувчи ичакларидаги нажаснинг юрмай қолиши оқибатида сичқон (каламуш) кўп вақт ўтмай ҳалок бўлади. Бироқ кемирувчиларға қарши самарали кураш – кундалик профилактик чоралардир.

Юқорида санаб ўтилган воситалар, мисол учун пенокумарин бўлмаса, солидол ёки нигрол ва 1% ли зоокумариндан ёпишқоқ захарли масса тайёрлаш мумкин. Зоокумарин кукуни чўкиб қолмаслиги учун аралашма яхшилаб аралаштирилиб, керакли жойларға суртиб чиқилади.

Захарли сурмаларни қалин қоғоз, корақоғоз, рубероид тилимларига суртиб чиқиш маъқулдир. Негаки бундай тилимларни кемирувчилар йўлиға кўчириб ўтиш осон. Бундай захар билан ҳар куни контактда бўлган кемирувчилар бешинчи суткаға келиб ҳалок бўлади. Кемирувчилар уяларига ишлов бериш учун мўлжалланган захарли кукун эластик полимер шиша воситасида сепилади.

Кемирувчилар кўпайишини олдини олувчи восита сифатида репеллентлар, яъни ўз хиди ва таъми билан кемирувчиларни ҳуркитадиган моддалар қўлланилади.

Бир қатор касалликларни, авваламбор миксоматоз каби касалликларни ташувчилар – искабтопар ва чивинлардир. Майда чивин ва искабтопарларни ҳайдаш учун вақти-вақти билан гулхан ёкиб тутун қоплаш усули қўлланади.

Қуёнхона ва катаклар ички деворларининг ҳар 1 м³ юзасига 100 мл 0,5% ли хлорофос билан ишлов берилади.

Қуёнхона теварагидаги гўнг уюмлари, тиндиргич, оқова тарнов, ариқ ва зовурларға албатта ишлов берилиши керак. Уларнинг ҳар 1 м³ майдониға трихлорметафос-3 нинг 0,1% ли 3-5 литр эмульсияси ёки худди шу микдорда полихлор-пиенаниннг 65% ли концентратидан тайёрланган 0,5% ли эмульсияси ёки нафтализол ёхуд креолиннинг 10% ли эмульсияси сепилади.

Ахлатдан тозаланган чуқурларнинг ҳар 1 м² га ҳар 5 кунда хлорли оҳак сепиб борилади.

Чивинлар хлорофоснинг 0,1% ли сувли эритмасига 2-5% шакар ёки ёғи олинган сут қўшилиб йўқ қилинади. Чивинларнинг бундай хўраги қуйилган идишлар хоналарнинг ҳар 60-100 м² га қўйиб чиқилади.

Ҳашарот ва жўлақларға қарши курашда қуёнбоқарлар томонидан кўп йиллардан буён олтингугурт қўлланилади. Қуёнхонаға олтингугурт билан ишлов беришдан олдин жониворлар бошқа хонаға кўчирилади. Қуёнхонада мавжуд барча тирқишлар елимланади ёки латта-увада билан бекитилади ва темир тахта ёки товаға олтингугурт солиниб қиздирувчи восита устиға қўйилади, қуёнхонадан чиқиб эшиклар зич ёпилади. Ушбу усулда, одатда, 2-3 соатдан сўнг жамики ҳашаротлар қирилиб кетади.

Қуёнхонаға бундай усулда ишлов бериш мобайнида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмоқ зарур.

12. ҚУЁН ЧАЛИНАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР. ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ

ГБК. Сўнгги йилларда Мустақил Давлатлар Ҳамжамияти ҳудудига **ГБК** (*геморрагическая болезнь кроликов*) деб аталувчи ўта хавфли геморрагик касаллик киритилди.

Ушбу касаллик Австралияда ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ёввойи қуён ва кемирувчиларни жадал ва оммавий тарзда қириб ташлаш учун махсус кучайтирилган вирус томонидан қўзғатилган. ГБК илк бор 1984 йилда Хитой ва Ҳиндистон орқали Владивостокка киритилгани маълум.

Қуённинг захарланиши кўринишида ўта кескин кечадиган бу касаллик, оқибати ўлим билан жуда тез якунланиши боис, унинг клиникасини пайқаб қолишнинг имкони деярли йўқ. Гўё соппа-соғдек турган қуёнлар бутун бошли ферма ёки гуруҳ таркибида қирилиб кетади. Очилган жасадларда шилимшиқ трахея, бронх ва ўпкаларда қон қуйилган кичик нуқталар, айрим мурдаларнинг ичакларида эса бироз қон қуйилиш аломатлари, ошқозонлари емга тўла ҳолда бўлишини кузатиш мумкин.

Касалликка қарши кураш чоралари. Таркибига касаллик қўзғатувчи заифлаштирилган вирус киритилган, қуённинг геморрагик касаллигига қарши вакцина 1,5-3 ойли қуёнга бир маротаба 0,5 мл дозада, думғаза соҳасидаги мушаклар орасига юборилади. Касаллик қўзғатувчисига таъсирланмаслик (иммунитет) хусусияти қуён 7 ойга тўлгунга қадар давом этади.

МИКСОМАТОЗ – шилимшиқ қопламанинг шамоллаши, орқа тешиқ, жинсий аъзо, бош, қулоқлар шишиб кетиши билан (“шер башара”) кузатиладиган вирусли касаллик. Бундан ташқари йиринглаган шакллар ҳосил бўлиши ҳам мумкин. Қуён ўлими билан якунланиш кафолати деярли 100%. Ушбу касалликка хонаки ва ёввойи қуён таъсирчан бўлиб, қўзғатувчи манба сифатида касал ва касалланиб ўтган қуён хизмат қилади. Касалликнинг тараққиётида чивин, бурга ва битлар муҳим роль ўйнайди.

Касаллик аломатлари. Яширин даври 5-7 кун. Дастлаб шапоқ-йирингли конъюнктивитни пайқаш мумкин. Қуён киприклари ёпишиб, шапоқ-йирингли оқим пайдо бўлади. Жониворнинг нафас олиши қийинлашиб, пишиллаб қолади.

Касалликнинг олдини олиш ва қарши кураш усуллари. Четдан олиб киритилган қуён албатта карантинда сақланиши лозим. Касаллик қўзғалиши билан касалланган қуён дарҳол сўйилиши керак. Гўшти қайнатилиб, умумий тартибда сотилиши мумкин. Эмаётганидан тортиб кексасигача барча қуёнлар эмланиши керак.

ЮҚУМЛИ ШАМОЛЛАШ – РИНИТ. Барча қуёнлар орасида кенг тарқалган касаллик. Бурундан суюқлик чиқиб, акса уради, олд оёқларида қичима пайдо бўлади. Бемор жониворларни сўйиш мақсадга мувофиқдир.

СТОМАТИТ (“хўл тумшук”) – юқумли касаллик. Одатда 3 ойга тўлмаган қуёнчаларда учрайди. Сўлакнинг кўп ажралиши оқибатида бўйин ва кўкраклари ифлосланади, иштаҳалари йўқолиб 5-6 кун бетоб бўлишади. Касал қуёнларнинг оғиз бўшлиғини 1-2% мис сульфат эритмаси, калий перманганатнинг (тўқ бинафша рангли кристалл модданинг) 0,1-0,2% эритмаси, фурацилиннинг 1:5000 эритмаси билан ювиб тозаланади. Қуёнга юмшоқ майин ем берилади.

ЭЙМЕРИОЗ (кокцидиоз) – асосан ёш қуёнларда кузатиладиган ўткир

инвазион касаллик. Жониворларнинг озиб-тўзиб заифлашиши, ичбуруғ, камқонлик, қорин ҳажмининг йириклашиши, томир тортишиши ва оммавий қирилиши билан тавсифланади. Бир неча турга мансуб содда организмларнинг ошқозон-ичак тизимидаги шиллиқ пардалар ва жигарнинг сафро оқими йўлида йиғилиб қолиши билан юзага келади. Ушбу касаллик йилнинг илиқ ва сернам кезларида жадал кўзгалади.

Касаллик жараёни ва аломатлари. Ёш қуёнчаларнинг иштаҳаси йўқолади, ўсиш ва ривожланиши сустлашади. Дефекация тезлашади, нажаси қон ва шилимшиқ аралаш чиқади, қорни ва жигари катталашиб кетади. Қуёнларда томир тортишиш, бошини орқага ташлаш, орқа оёқларини чўзиб, олд оёқлари билан сузиш ҳаракатларини бажариш ҳолатлари кузатилади. Катта ёшдаги қуёнларда ҳам сурункали юз бериб туриши кузатилади.

Даволаш усуллари. Касалланган қуёнларга сульфадиметоксин ёки сульфацилидин (100 мг/кг) тайинланиб, орада 3 кунлик танаффус билан ҳар бири 5 кундан давом этадиган икки босқичда мономицин билан уйғунлаштирилади. Таркибида кокцидиостатик моддаси мавжуд премикслар эмга аралаштириб берилганида даволаш самарадорлиги янада ошади.

Касалликнинг олдини олиш усуллари. Қуёнлар катагининг пол-панжарасини тўрдан тайёрлаш, остидаги яхлит полни суткада 2 маротабадан кам бўлмаган тарзда гўнган тозаланиб туриш лозим. Тегана ва сувдонлар доимо тоза тутилиши керак. Парвариш асбоблари ва катаклар пайвандлаш лампасининг олови билан бир сидирға қиздириб чиқилиши лозим.

Аксарият юқумли касалликларнинг олдини олувчи восита – *карантиндир*. Бунинг учун сотишга ажратиб қўйилган ёки қуён бошини кўпайтириш ниятида харид қилинган қуёнларни бир неча кун карантинда боқиш керак. Янги қуёнларнинг эҳтимолӣ касалликларини аниқлаш мақсадида қуёнбоқар ихтиёрида бир нечта алоҳида катаклар бўлиши лозим. Ушбу катаклар сони қуёнлар сонига боғлиқ.

КОНЪЮНКТИВИТ – кўз касаллиги. Кўзнинг механик жароҳатланиши, унга чанг ёки бошқа ёт жисм сингиши, кимёвий моддалар таъсири ва қуён емида А витамини етишмаслиги оқибатида вужудга келади. Конъюнктивит шакллари кўздаги шиллиқ пардалар йиринглаши ёки яллиғланиши кўринишида кузатилади. Биринчи шаклда кўзлар кучли қизариб, кўп миқдорда ажралаётган йиринг қовоқларни очирмай ёпиштириб қўяди. Иккинчи шаклда қуён кўзидаги шиллиқ пардаларнинг қизариши, шишиши ва ёшланиши кўзга ташланади.

Даволаш усуллари. Кўздаги шиллиқ пардалар яллиғланиши кўринишидаги конъюнктивитни даволаш учун қуён кўзи 2% ли борат кислотаси билан ювилиб, унга 2-3 томчи рух эритмаси томчилари томизилади.

Конъюнктивитнинг йиринглаш кўринишидаги шаклини даволаш учун эса қуён кўзи 2% ли борат кислотаси билан ювилади. Қовоқнинг шиллиқ пардаларига (қовоқлар остига) 2-3% ли йодоформ ёки борат суртмаси суртилади. Шохпарда (мугузпарда) яраланган ва хиралашганда каломел (симоб монохлорид) кукунининг қанд упаси аралашмаси (1:1) билан ишлов берилади.

НАФАС ОЛИШ АЪЗОЛАРИНИНГ КАСАЛЛАНИШИ. Қуёнхонадаги ҳаво ҳароратнинг кескин ўзгариб туриши, елвизак, аммиак моддаси, чанг, тутун ва момиқнинг ошиб кетиши кабилар оқибатида вужудга келади. Ушбу касалликлар жумласига ринит (тумов), бронхит, плеврит (зотилжам) ва ўпканинг

катарал (пардаларининг) яллиғланиши киради.

Даволаш усуллари. Биринчидан, касалликнинг вужудга келиш сабабларини бартараф этиш. Иккинчидан:

ринитга чалинган куён бурнига бир кунда 1-2 маротаба 1% ли фурацилин эритмасини, таркибида 15-20 минг бирликка эга пенициллин эритмаси билан аралаштириб 5-6 томчи томизилади;

бронхитга чалинган ва ўпкаси катарал (пардаларининг) яллиғланган куённинг мушаклари орасига ҳар 4 соатда куённинг ҳар 1 кг вазнига 20 минг бирликка эга пенициллин эритмаси юборилади. Шунингдек, ем билан биргаликда куённинг ҳар 1 кг тирик вазнига 20 мг норсульфазол, сульфадимезин берилади.

Касалликнинг олдини олиш усуллари. Куёнлар катагини ўз вақтида совуқ ўтмайдиган қилиб иситиш, елвизакга барҳам бериш, емини яхшилаш.

ПОДОДЕРМАТИТ. Панжалар ёстикчасида яра ва тешиқлар пайдо бўлиши билан кузатиладиган катта куёнлар орасида тараққий этган касаллик.

Ушбу касалликка тирик вазни оғир ва панжалардаги момиклари ёмон ривожланган куёнлар кўп таъсирчандир. Куёнхона ва катақларнинг антисанитар ҳолати, ортиқча намлик ва ҳаво ҳароратининг ҳаддан ташқари юқори бўлиши касаллик тараққиётига омил бўлади.

Касалликнинг илк босқичида жадал шўралаш оқибатида оёқ тагининг дарз кетиши, ғурра ва ўсимталар пайдо бўлиши, панжалардан тез-тез қонли сариксув чиқиши ёки кучсиз қон кетиши кузатилади. Кейинчалик йирингли яра ва тешиқлар ҳосил бўлади. Жониворлар эзилиб, иштаҳаси йўқолади, гоҳ у гоҳ бу оёғида туришади, оёқларини чўзиб кўп ётади, озиб-гўзиб, аксарият ҳолларда нобуд бўлишади.

Даволаш усуллари. Ҳар куни жароҳатларга 10% ли кўрғошин ёки рух суртмаси суртилади. Яралардаги қуриган тери ва ўлик тўқималар механик усулда олинади, 1-2% ли йод билан ишлов берилади. Қон оқими тўхтатилгач жароҳатга окситетрациклин (окситетрациклин дигидрат), тетрациклин сепмаси сепилади ёки Вишневский сурмаси суртилади. Ишлов берилган жойларни маҳкамловчи боғлама билан боғлаган маъқул.

Агар касалга чалинган куён қиймати юқори бўлмаса уни сўйиш, терисини шилиб олиб, гўштини кўмиб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Касалликнинг олдини олиш чоралари:

касалга чалинган ёки ушбу касаллик билан касалланишга майил бўлган (панжалардаги момиклари ёмон ривожланган) куёнларни яроқсиз куёнлар гуруҳига ажратиб қўйиш;

катақларни тоза тутиш;

катақдаги тўрдан қилинган полга 35x25 см ли ёғоч пол ётқизиш;

катақларни янги сўлдирилган оҳак билан оқлаш.

РАХИТ. Ёш куёнларда D авитаминоз, шунингдек, организмдаги кальций ва фосфорнинг танқислиги ёки ушбу моддаларнинг ўзаро мутаносиблиги бузилиши оқибатида вужудга келади.

Касалликнинг олдини олиш чоралари. Ҳомиладор ва бола эмиздираётган урғочилар емига D витамини билан бойитилган моддалар, мисол учун 1 чой қошиқдан балиқ мойи ва 2-3 гр гўшт-суяк ва суяк уни қўшиб берилади. Шунингдек ёш куёнчаларни ультрабинафша нурлар билан нурлантириш тавсия этилади.

ОШҚОЗОН-ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ:

НОРДОН КАТАР КАСАЛЛИГИ. Ифлос, сифати ёмон ва тез ачийдиган ем берилиши оқибатида келиб чиқадиган касаллик. Бундай дардга йўлиққан куёнлар ем ейишдан бош тортиб, кўп шилимшиқли ва газ пуфакчали долчин-кул ранг нажас чиқаради. Айрим овқат ҳазм қилиш (сингдириш) йўллариининг шишиб кетиши кузатилади.

ИШҚОРЛИ КАТАР КАСАЛЛИГИ. Ёш куёнчаларни ширадор емларнинг кўп миқдори билан боқиш оқибатида қўзғаладиган касаллик. Касалга чалинган жонивор иштаҳаси йўқолиб, ем ейишдан бош тартади. Овқат ҳазм қилиш (сингдириш) йўллариининг суюқ, тўқ жигар ранг, чиринди ҳиди анқийдиган нажас чиқади. Бундай касалга чалинган куёнчалар 1-2 ҳафта ичида нобуд бўлади.

ШАМОЛЛАШ КАТАРИ. Куён организмнинг ҳаддан ташқари совуқ қотиши оқибатида тараққий этади. Жониворлар бошқа катар касалликлар сингари эзилган кўриниб, ем ейишдан бош тортишади. Дефекация тезлашади ёки тез-тез кучанишади. Нажас суюқлашиб, жигар ранг-сарик тус олади. Ушбу аломатлар билан тумов касали, тез-тез акса уриб туришлар ҳам кузатилади.

Ёш куёнчалар бу касалликка чалинишлари билан соғлом жониворлар орасидан 12-24 соат ичида ажратиб олиниши керак. Дағал, ширадор ва сифатсиз ем берилмайди. Ем меъёри 1,5-2 баробар камайтирилади. 4-, 5- кундан эътиборан куёнларга осон ҳазм бўладиган ем, юқори сифатли пичан, майдаланган дон, сули (қовурилган ҳолда) берилади.

Даволаш усуллари.

Нордон катар касаллиги аломати кузатилаётган куёнларга 1 кунда 2 маротаба 0,1 гр синтомицин ва 7-10 мл сут зардоби берилади. Ошқозони ёки ичаклари шишган пайтда 5-8 мл 10% ли ихтиол эритмаси ёки 3-5 мл 5% ли сут кислотаси берилади. Даволаш муолажасидан сўнг жониворларга куёнхонада эркин югуриш учун шароит яратилади. Ичбуруғ аломати мавжуд куёнларга 1 кунда 1-2 маротаба 0,2-0,3 гр дан дисульфид берилади. Эман (болут) пўстлогининг қайнатмаси билан ҳам даволашнинг яхши натижасига эришиш мумкин.

Ишқорли катарга чалинган куёнларга 1 кунда 2 маротаба 1-2 чой қошиқ калий перманганат (тўқ бинафша рангли кристалл модда) эритмаси (1:5000) берилиб, 1-2 соатдан сўнг 0,2-0,3 гр дан салол юборилади.

Шамоллаш катарига чалинган куёнчалар иссиқ хонага олиб ўтилади ёки катаклар иситилиб, елвизак йўллари ёпилади. Бир кунда 2 маротаба 0,1-0,5 гр дан биомицин (хлортетрациклин гидрохлорид) тайинланади. Ич қотганда карлсбад тузи (ёш куёнчаларга 3-4 гр дан, катта куёнларга эса 5-6 гр дан) ёки касторов мойи (1-1,5 чой қошиқдан) яхши ёрдам беради. Хона ҳароратидаги совунли сув билан ҳукна (клизма) қилиш ҳам яхши натижа беради.

Метеоризмни (ичакларнинг шишиб кетишини) ўт-ўлан аралашмаларининг (мойчечак, шувок (ёвшан), себарга (уч барг) гуллари, ботқоқ гнафалиуми) қайнатмаси билан самарали даволаш мумкин.

Куёнчалар дефикациядан 7-13 соат ўтганидан сўнг овқатлантирилади. Ем оз миқдорда одатдаги меъёрга аста секин яқинлаштирилиб берилади.

Касалликнинг олдини олиш чоралари. Авваламбор сифатли ем бериш. Тегана ва сувдонлар доимо тоза тутилиши, ачиган ва моғор босган ем қолдиқларисиз бўлиши лозим.

Овқат ҳазм қилиш йўллари фаолиятининг бузилишини олдини олиш учун

5-7 кун давомида емнинг бир турини иккинчисига аста-секин алмаштириб бориш лозим. Айниқса кўк майса, лавлаги, карам кабиларни емга киритиш амаллари эҳтиёткорона бажарилиши зарур. Онасидан эндигина ажратиб олинган қуёнчаларга енгил ҳазм бўладиган ем бериш керак бўлиб, ушбу жараёни яхшилаш мақсадида ажратиб олинган кундан эътиборан 20-40 кун давомида (ошқозон шираси фаолиятининг энг суст даври) емга ацидофилин дармон дориси қўшиб берилади.

ИЧАК-ЧОВОҚ ТЎПЛАНИБ ҚОЛИШИ. Бундай ҳолат қуёнлар сувсиз қолганда юзага келиши мумкин. Бунда қуённинг нажаси келмай қолади, қорин бўшлиғи пайпасланганида эса нажаснинг зичлашиб қолгани сезилади.

Даволаш усули. Ёш қуёнчаларга 3-4 гр дан, катта қуёнларга 5-6 гр дан Глаубер тузи (натрия сульфат) ёки карлсбад тузи сув эритмаси кўринишида берилади. Касторов мойининг 1-1,5 чой қошиғида берилиши ҳам яхши самара беради. Шунингдек сули қайнатмаси ичирилиб, қуён қорнига буғланувчан линимент суркалади, илик, бироз совунли сув билан ҳуқна (клизма) қилинади. Шундан сўнг фаол ҳаракатланиши учун қўйиб юборилади.

Ич қотишдан даволаш учун катта қуёнларга 5-6 гр (ёш қуёнчаларга 3-4 гр) Глаубер тузи сувда эритилиб берилади. Эркинликка қўйиб юборилиб, сайил қилдириш ҳам фойдалидир.

ШИКАСТЛАР. Бундай жароҳатлар жумласига тимдаланиш, шилиниш, лат ейиш ва суяк синишлари, орқа миянинг тана орқаси фалаж бўлишига олиб келадиган даражада (нотўғри сакраш ёки қуён белига зарб бериш натижасида) шикастланиши киради.

Даволаш усули. Тимдаланган ёки шилинган жойларни тозалаб йод суртиш, йирик яраларни эса тикиш лозим. Синган суяги кўкрак ёки қорин бўшлиғига кириб кетган, шунингдек, фалаж бўлишга олиб келадиган даражада жароҳатланган қуёнларни даволаш амаллари беҳудадир.